

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БАНК ИШИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ” КАФЕДРАСИ

“Битирув малакавий иши ҳимояга
тавсия этилди”
“Банк иши”
факультети декани и.ф.н.,
О.А.Ортиқов _____
« ____ » _____ 2013 йил

“Битирув малакавий иши ҳимояга
тавсия этилди”
“Ташқи иқтисодий фаолият”
кафедраси мудири и.ф.н., доц.
И.С.Хотамов _____
« ____ » _____ 2013 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Реал сектор корхоналарига тўғридан-тўғри хорижий
инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегияси
(Чирчиқ шаҳри мисолида)**

Бажарди: “Банк иши” факультетининг
“Маркетинг” (Ташқи иқтисодий фаолият) таълим
йўналиши 4-курс, МВ-52 гуруҳи талабаси Усманов
Шерзод Бахтиёрович _____

Илмий раҳбар: “Ташқи иқтисодий фаолият”
кафедраси профессори и.ф.д., Ё.Қориева

Битирув малакавий иши дастлабки ҳимоядан ўтганлиги 2013 йил ____ майдаги ____-сонли
баённома билан расмийлаштирилган.

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Хорижий инвестицияларнинг мазмуни ва унинг туркумланиши..	7
1.2. Мамлакатимизга жорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қонуний – ҳуқуқий асослари.....	17
1.3. Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши.....	28
Биринчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	34
II БОБ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	37
2.1. Мамлакатимиз реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши ҳолати таҳлили.....	37
2.2. Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ҳолати.....	53
2.3. Реал сектор корхоналарида хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш	61
Иккинчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	71
III БОБ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ.....	74
3.1. Реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегияси.....	74
3.2. Мамлакатимиз реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги муаммоларнинг ечимлари.....	84
3.3. Реал сектор корхоналарига хорижий тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш.....	94
Учинчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	108
Хулоса ва таклифлар.....	111
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	116

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамиятидаги тутган ўрни унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Ҳар бир давлатнинг тараққиётида хорижий инвестициялар муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни ўз иқтисодиётига жалб қилишнинг оқилона йўлларини танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Айни пайтда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, бутун дунёда инвестициялар учун қатъий рақобатли кураш авж олди

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов миллий иқтисодиётни ривожлантириш, уни босқичма-босқич юксалтиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, шундай деган эдилар: “Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш – бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айна пайтда – бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган”.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон миллий иқтисодиётини юксалтиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ва унинг барқарор суръатлар билан ривожланишига кенг йўл очмоқда.

“Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий

инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”¹.

Тўғридан тўғри инвестициялар, тўғри (реал) капитални шакллантирувчи инвестиция туридир у узоқ муддатга мўлжалланган инвестиция бўлиб, асосий воситаларга сарфланади ва мамлакатдаги ишлаб чиқариш воситаларини янгиланиш кўрсаткичларини тезлаштиришга қулай имконият туғдиради. Ана шу нуқтаи-назардан ушбу танлаган мавзу ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар Робертсон Б., Баклей М., Мартин, С.Шмидт, У.Шарп, В.Д.Шапиро, Авдокушин Е.Ф., М.В.Грачева, А.Д.Голубович, Р.Дамари, М.Д.Джонк, А.Зель, М.Н.Крайнина, М.Гэртнер каби хорижий иқтисодчи олимлар илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Республикамизда Ғуломов С.С., Хикматов О.Х., Бекмурадов А.Ш., Алимов А.А., Махмудов Э.Х., Назарова Г.Г., Абдуллаев Ё.А., Ваҳобов А.В., И.А.Хамедов, Н.Х.Хайдаров, М.Шарифхўжаев ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади, реал сектор корхоналарига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишда қуйидаги асосий вазифалар қўйилган:

- хорижий инвестицияларнинг мазмуни, моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив заруриятини ўрганиш;
- реал сектор корхоналарини модернизация қилишда хорижий

¹ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

инвестицияларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

- Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишда чет эл тажрибаларидан самарали фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш;

- реал сектор корхоналарига тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш;

- Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ҳолати таҳлилини амалга ошириш;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни реал сектор корхоналарига жалб қилишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарига тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг самарали йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги. Битирув малакавий ишда реал сектор корхоналарига тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегияси ўрганилиб, бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда маркетинг стратегиясидан самарали фойдаланишга доир муаммолар ишнинг предмети ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг объекти. Чирчиқ шаҳри статистика қўмитаси маълумотлари асосида, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолиятининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишда келтирилган таклиф ва мулоҳазалардан келажакда Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштиришга бағишланган йўриқнома, кўрсатмалар ишлаб чиқишда, дарслик, ўқув қўлланма материалларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг таркиби. Битирув малакавий иши кириш,
3 та боб, хулоса ва таклифлар фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Хорижий инвестицияларнинг мазмуни ва унинг туркумланиши.


Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши иқтисодий тармоқларининг барча соҳалари ва йўналишларида иқтисодий эркинликни таъминлашни талаб этади. Бу эса инвестицион фаолият ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши, уни ташкил этувчи субъектлар иқтисодий фаолиятлари моддий базасининг ривожланишига боғлиқ, чунки моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг шарти ва бош омили ҳисобланади.

Республикамызда микродаражадаги иқтисодий ўсишни таъминлаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, инвестицион фаолиятни амалга ошириш бирламчи аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди.

«Инвестиция» сўз инглиз тилидан (investments) олинган бўлиб, «капитал қўйилма» деган маънони билдиради. Ҳозирги кунда инвестиция моҳияти ҳақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, бу қарашлар унинг моҳиятини турлича ифодалайди. Инвестиция моҳияти қандайдир самара ёки даромад олиш учун турли шаклларда капитал қўйиш жараёнини ифодалайди. Бундай тушунча бир мунча умумий характерга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ, инвестицияларнинг моҳияти иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларни ифодалайди.

Г.С.Вечканов, Г.Р.Вечкановалар таъкидлайдики, инвестиция – бу фойда олиш мақсади билан мамлакатда ёки хорижда халқ хўжалигининг турли тармоқларига давлат ёки хусусий капиталнинг узок муддатли қўйилмаларидир.



1.1.1-расм.Хорижий инвестицияларнинг таснифланиши.¹

¹ Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т., Абдилакимов Г.А. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б.

В.В.Бочаров ҳисоблайдики, инвестиция тадбиркорлик ва бошқа кўринишдаги фаолият объектларига қўйилган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал қимматликлар бўлиб, натижада фойда (даромад) юзага келади ёки ижтимоӣ самарага эришилади³.

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоӣ, иқтисодӣ ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда, жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда иқтисодӣ сиёсат ўзидаги яққол кўзга ташланувчи индустриал устуворликлар билан ажралиб туради. Бунда хорижий инвестициялар ва кредитларга катта ўрин ажратилган.

Инвестицияларни чуқур ўрганиш учун аввало уни белгилари бўйича туркумлаш лозим. Объектларга инвестиция маблағларини йўналтириш бўйича инвестициялар реал ва молиявий инвестицияларга бўлинади:

- реал инвестициялар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқаларга капитал (пул маблағлари) қўйиш демакдир;

- молиявий инвестициялар қимматли қоғозлар чиқариш ва реализацияси билан боғлиқ ишлар учун сарфланадиган маблағлардан иборатдир.

Инвестициялашда қатнашиш характериға кўра қуйидагиларға бўлинади:

- тўғридан-тўғри инвестициялар (асосан объект аниқ бўлган, маълум мақсадни амалга ошириш реал бўлган тақдирда йўналтириладиган маблағлардир);

- эгри инвестициялар (булар воситачилар орқали объектларға сарфланади ва олинган даромад мижозлар ўртасида тақсимланади).

Инвестициялар қўйиладиган давриға қараб қуйидагиларға бўлинади:

- қисқа муддатли инвестициялар (бир йилгача бўлган қисқа муддатли омонат сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар);

³ В.В.Бочаров. Финансово-кредитные методы регулирования инвестиций-М: Финансы и статистика, 1999-144с.

- узоқ муддатли инвестициялар (бир йилдан ортиқ муддатларга қўйилган капитал, пул маблағлари).

Инвесторларнинг мулк шаклларига кўра инвестициялар қўйидагиларга бўлинади:

- хусусий инвестициялар (шахслар, фуқаролар, нодавлат корхоналари томонидан қўйилади);

- давлат инвестициялари (марказий ва маҳаллий ҳукумат бошқариш органлари томонидан қўйиладиган инвестициялар);

- хориж инвестициялари (чет эл фуқаролари, юридик шахслар ва давлатлар томонидан қўйилган инвестициялар);

- ҳамкорликдаги инвестициялар (мазкур мамлакат ва хориж мамлакатлари биргаликда қўядиган инвестициялар).

Худудий белгилар бўйича инвестициялар қўйидагиларга бўлинади:

- мамлакат ичкарасида ёки ҳудудларга қўйиладиган инвестициялар;

- хориж мамлакатларда ишлаб чиқаришга инвестициялар қўйиш (хорижий инвестициялар пул маблағлари ёки акция шаклида ҳам бўлиши мумкин).

Инвестицияларнинг йўналтирилиши кўп жиҳатдан инвестиция бозорини ҳар томонлама ўрганиш, унинг прогнози (олдиндан тахмин қилиш) билан узвий боғлиқдир. Инвестиция бозори инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш учун замин яратиб беради.

Инвестиция бозори - инвестиция товарлари, қурилиш материалларининг барча турлари, ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми, инвестиция хизматларидан иборат. Асосий элементларига талаб, таклиф, рақобат ва баҳо киради. Бу элементлар доимо ўзгариб туради, бу ўзгариш иқтисодиётдаги ва бозор ичидаги омиллар таъсирида юз беради. Ҳар бир инвестор учун инвестицияга бўлган талабни ўрганиш, инвестиция

бозорини таҳлил этиб, бунинг заминида ўзининг инвестиция дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.⁴

Инвестиция бозори тузилишига кўра икки қисмга бўлинади:

1. Реал объектларни инвестициялаш бозори, бу бозор таркибига:
 - тўғридан-тўғри капитал маблағларни йўналтириш бозори;
 - хусусийлаштирилаётган объектлар бозори;
 - кўчмас мулк бозори;
 - бошқа объектларни реал инвестициялаш.
2. Молиявий инвестициялаш инструментлари бозори, фонд бозори ва пул бозорига бўлинади.

Бугун Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўтказилаётган туб ўзгаришлар ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг навбатдаги босқичи эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва уларни янада ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги қайта қуришлар муносабати билан молиявий тузилмалар ва энг аввало, мамлакатимизнинг машина ва ускуналар миллий парклари жаҳон андозалари даражасидаги янги техника билан таъминлаш учун инвестиция маблағлари ажратаётган молия институтлари оддига катта вазифалар қўйилмоқда. Бу вазифани молиялашнинг фақат анъанавий усули-банк кредити ва бошқа кредитларга таянган ҳолда муваффақиятли ва жадал суръатларда ҳал этиб бўлмайди.

Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштиришда инвестицияларнинг турлари ва инвестиция бозорининг активлик даражаси унинг элементлари ўртасидаги нисбатга боғлиқ бўлади. (талаб, таклиф, рақобат, баҳо). Уларни бозор конъюктурасини ўрганиш орқали аниқлаш мумкин.⁵ Жаҳон тажрибасида мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатини ва баъзи

⁴ Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Учебник. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004.

⁵ Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2011.

мамлакатларни инвестицияларни ўзига жалб этиш даражасини аниқлаш жалб этиш даражасини аниқлаш индикаторлари ишлаб чиқилган. Хорижда инвестицияларни ўзига жалб этувчи мамлакатлар рейтинги экспертлар томонидан ўрганилаётган мамлакатни ярим йиллик даромади, ички ва ташқи қарзлари, кредит ресурслари, қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялаш учун рухсатномалар, инвестициялашни иқтисодий самарадорлиги, сиёсий жиҳатдан рисклар (таваккаллик) каби омилларга асосан аниқланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётини барқарорлаштириш, корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда, инвестиция дастурлари ва лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги пайтда инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш инвестиция сиёсатининг қуйидаги йўналишларига асосан амалга оширилмоқда:

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштртириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш, товарларни экспорт қилишда хорижлик инвесторлари ўз даромадларидан фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий этиш;

Хорижлик инвесторлар капитал маблағларини Республикамиз иқтисодиётига жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа шарт шароитларни янада такомиллаштириш;

Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган, иқтисодиёт структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини қўллаш;

Маблағларни энг асосий соҳаларга, жумладан, аграр секторга, ёкилғи - энергетика комплекси ва бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга ҳамда рақобатга қодир тайер маҳсулотни ўзлаштиришга сарфлаш.

Ҳозирги шароитда республикада инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотлар стратегиясининг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт

имкониятини кенгайтириш бўйича белгиланган вазифаларни бажарилиши давлат томонидан инвестиция сиёсатини олиб бориш шу жумладан инвестицияларни ташкил этиш ва иқтисодий ривожланишига олиб келадиган тармоқлар фаолиятини молиялаштириш билан амалга ошади.

Ўзбекистон Республикасида бир қанча ривожланган мамлакатлар билан қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва товарлар ички бозорни таъминламоқда ва экспорт қилинмоқда. Хорижий инвестицияларини жалб этиш мақсадида давлат инвестиция лойиҳалари ва дастурлари ишлаб чиқилган. Бу лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш учун кўпгина ривожланган мамлакатларнинг инвесторлари жалб этилмоқда. Инвестицияларни давлатимиз ва хориж инвесторлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳозирги шароитда муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади, чунки корхоналар янги техникалар билан жиҳозланмасдан, реконструкция ва модернизация ишларини бажармасдан замонавий ва рақобатбардош товарларни ишлаб чиқаришлари мушкул ҳисобланади.

Инвестициялаш жараёни молиявий ташкилотлар ёки молия бозор томонидан йўналтирилади: бўш пул маблағлари ва уларнинг ҳаракатидан иборат, Молия ташкилотлар таркибига банклар, депозит компаниялари киради. Улар депозитларни қабул қилиш, шу билан бирга кредитларни беради, яъни инвестициялашни амалга оширади.⁶

Инвестиция жараёни умуман бир нечта тармоқлар фаолиятини ўз ичига олади, бу жараён лойиҳани қуриш босқичидан, корхонани ишга туширишгача бўлган босқични ўз ичига олади. Инвестиция жараёни капитал қурилиш тушунчасига нисбатан кенг тушунча бўлиб, бунда йирик масштабдаги қурилишга унинг ишлаб чиқариш базаси иқтисодий ва


⁶ Кругман П. СПб.: Международная экономика. 5-е изд. Питер. 2011.

ижтимоий сиёсати, инфраструктурасини ҳисобга олиб комплекс тарзда ёндашилади.

Инвестиция харажатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Реал фоиз ставкаси нархлар даражасининг ўзгаришини акс эттириб, номинал ставкадан инфляция даражасини айирмаси кўринишида аниқланади. Масалан, номинал фоиз ставкаси 16%га тенг бўлса, инфляция даражаси йилига 12% ни ташкил этса, унда реал фоиз ставкаси 4% (16%-12%) ни ташкил этади. Агарда, бу миқдор кутилатган соф фойда меъёридан паст бўлса, инвестиция харажатлари ўсиб боради.

Инвестиция талабининг эгри чизигиисталган инвестиция ҳажми (I) ва реал фоиз ставкаси миқдори (r) ўртасидаги боғлиқликни ўрнатади. Реал фоиз ставкаси, яъни пул капиталини қарзга олиш нархи қанчалик юқори бўлса, инвестициялашни хоҳловчилар шунча кам бўлади ва аксинча реал фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, фойда келтирадиган инвестиция лойиҳалари шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам инвестиция функцияси графиги пасаяувчан кўринишда бўлади (1.1.2-расм).

Макроиқтисодий сиёсатда фоиз ставкаси билан инвестиция ҳажми ўртасидаги мавжуд боғлиқлик ҳисобга олинади ва кенг фойдаланилади. Фоиз ставкасининг миқдори пул-кредит сиёсатининг муҳим куроли ҳисобланади. Давлат уни ўзгартириш орқали мамлакатдаги пул таклифини тартибга солиб туради. Фоиз ставкасини кўтарилиши пулнинг қимматлашуви ва унга бўлган талабнинг қисқараётганини билдиради. Демак, инвестиция харажатлари ҳам қисқариб боради. Ўз навбатида, инвестиция харажатларининг қисқариши, келажакда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишини билдиради.



1.1.2-расм. Инвестиция функциясининг графиги⁷.

Инвестициялашда айланма капиталга устуворлик берилишини фақат капиталнинг таркибий тузилиши билан тушунтириш етарли эмас. Гап шундаки, дастлабки капитал жамғариш даврида пулни тез тўплаш учун уни капитал айланиши тез соҳаларга жойлаштирилиши юз беради, чунки бунда юқори фойда меъёри юзага келади. Фойда меъёри юқори жойда эса, уни капиталлаштириш имкони катта бўлади. Бу омил ҳам хусусий секторда пулни айланма капиталига айлантириш учун рағбат яратади. Бозор талабларига биноан тежамли хўжалик юрита билмаслик таннархнинг ортишига олиб келади, бу нарх ўзгармаган шароитда ҳам зарарга олиб келади. Бу албатта, инвестицияларни ўз маблағи ҳисобидан таъминлаш имконини чеклаб қўяди.

⁷ Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т., Абдилакимов Г.А. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б.

Инвестицияларни жалб этилиши кўп жиҳатдан инвестиция бозорини ҳар томонлама ўрганиш, уни башорат қилиш билан узвий боғлиқдир. Инвестиция бозори инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш учун замин яратиб беради. Инвестиция бозори ишлаб чиқариш фондларининг актив қисми ва инвестиция хизматларини ўзида мужассамлаштиради. Унинг асосий унсурларига талаб, таклиф, рақобат ва баҳо киради. Бу унсурлар доимо ўзгариб туради, ушбу ўзгаришлар иқтисодиётдаги ва бозор ичидаги омиллар таъсирида юз беради. Ҳар бир инвестор учун инвестицияга бўлган талабни ўрганиш, инвестиция бозорини таҳлил этиб, бунинг заминида ўзининг инвестиция дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёридаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуrolлантиради.

1.2. Мамлакатимизга жорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қонуний – ҳуқуқий асослари.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

Ўзбекистонда Президентимиз И.Каримов раҳбарлигида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган. Булар Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда чет эл инвестициясини жалб этишнинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий, институционал тузилмалари ва инфратизимини яратиш ҳамда мавжуд шарт-шароитларни изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини яққол тасдиқлайди. Айниқса, бунда қонуний кафолатларни яратиш алоҳида

аҳамият касб этди. Мамлакатимизда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солувчи "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, уларга замон талабларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта - қаерда имтиёз ва шароит яратилган бўлса, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа инвестиция келади. "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун йигирма иккита моддадан иборат бўлиб, унинг ўнинчи моддасида чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилган.

Чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

- ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

- Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

- инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш);

- Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

-ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

-қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

-Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулкый ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблажларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

-ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;

-давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

-Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.;

-Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.;

-Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори, 28.10.2009 й.;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 11.04.2005 й.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик чет эл инвестицияси учун ҳар томонлама қулай шароит яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида қабул қилинаётган имтиёзли муҳитни яратувчи қонунлар чет эллик инвесторларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага қўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадилар. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддаси ва “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида юқорида қайд этилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Эндиликда нафақат чет эллик инвесторлар, айни чоғда, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ўз ишлаб

чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирадиган мол-мулк бўйича бож ундирилишидан озод қилиндилар. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасида ва “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди. Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу хайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонун халқимиз фаровонлигини оширишда ҳам улкан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш, энг замонавий технология ва жиҳозларни келтириш ҳисобига иш унуми ва самарадорлиги ошиши муқаррар. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим ўрин тутди. Вақт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳон андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади. Бунинг учун, бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади; иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади. Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни

яхшилаш, шунингдек хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди. Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормокда. Бу борада «Валютани тартибга солиш» тўғрисидаги қонун қабул қилинди, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, ва унинг миллий валютани конвертацияси ҳамда импорт контрактларини рўйхатдаи ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифалари бекор қилинди. Жумладан, 2003 йил 15 октябрдан миллий валюта жорий халқаро операциялар бўйича эркин конвертациясининг очилиши мамлакатдаги инвестиция иқлимини яхшилашга ва хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишига катта имкониятлар яратди. 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан янги ҳужжат — “Чет эл инвестициялари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди. Олиб борилаётган амалий ишлар натижасида, иқтисодиёт тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сонли қарорига асосан “Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби” тўғрисида низом ишлаб чиқилган. Мазкур Низомга Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июлдаги 133-сонли қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш тартибини белгилайди. Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низомга мувофиқ чет эллик инвесторларга қуйидаги йўналишларда кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш кўзда тутилган:

- барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётини прогрессив таркибий ўзгартиришларни таъминловчи устувор тармоқларни ривожлантирилишида;

- республиканинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, республикани жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашни таъминловчи устувор лойиҳаларни амалга оширилишида;

- хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга йўналтирилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни инвестициялашнинг амалга оширилишида.

Бунда солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча имтиёзлар хорижий инвесторлар томонидан ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга фақат аниқ белгиланган муддатга берилади ва муддатсиз тусда бўлиши мумкин эмас. Қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади. Инвестиция шартномаси инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолияти объектларига нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда мажбурий тартибда тузилади. Бундай кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолатлари беришни, махсус божхона, солиқ ва тўлов режими яратишни, лойиҳаларни амалга ошириш давлат мониторингини юритишни, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қўмаклашишни, инвестиция дастурига киритишни ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чоратadbирларни ўз ичига олиши мумкин.

Инвестиция шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

-инвестициялар объекти ва ҳажми;

-инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;

-инвесторнинг, шу жумладан инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва кўрсатадиган хизматлари ҳажми, Ўзбекистон

Республикаси Ҳукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

-Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

-лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

-чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

-томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

-ўзгартиришлар киритиш тартиби;

-инвестиция шартномасининг амал қилишини тўхтатиш тартиби;

-инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойи.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳаси хусусиятига қараб бошқа шартлар, шу жумладан:

-томонларнинг минтақанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўзаро мажбуриятлари;

-инвесторнинг шартномани бажариш натижасида ўзига тегишли маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан четга чиқариш ҳуқуқи;

-чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек инвесторнинг

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугаллангандан кейин ташкил этилган ташкилотнинг ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қуйидагиларни тақдим этади:

- инвестиция шартномасининг лойиҳаси;

- қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш) негизида бажарилган асосий иқтисодий кўрсаткичлар;

- инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан Адлия вазирлигининг хулосаси;

- чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан - Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси хулосалари.

Зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги чет эллик инвестордан инвестиция шартномаси лойиҳасини баҳолаш билан боғлиқ бўлган қўшимча материалларни сўраб олиши мумкин. Чет эллик инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материаллар инвестиция шартномаси лойиҳаси олинган кундан бошлаб ўн тўрт иш куни мобайнида ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади. Зарурат бўлган тақдирда, инвестиция шартномаси қоидаларини келишиб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилади. Чет эллик инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан имзоланган инвестиция шартномаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо

вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уни тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш учун киритилади. Агар инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши керак бўлса инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли банд инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби)ни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасига киритилиши мумкин. Агар инвестиция шартномасида солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш назарда тутилса бундай шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади. Чет эллик инвестор билан инвестиция шартномаси агар ушбу қарорда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига (ТИАИСВ) қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

ТИАИСВ инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг чет эллик инвестор томонидан бажарилишини назорат қилади.

1.3.Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади. Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солинишининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) Инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш.
- 2) Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш.
- 3) Нормалар, қоидалар, стандартларни белгилаш.
- 4) Монополияга қарши чораларни қўллаш.
- 5) Кредит сиёсати ва нарх сиёсатини ўтказишга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш.
- 6) Инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутати. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари – чет эллик инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар (резидентлар ва норезидентлар)гача бу муносабатларнинг иширокчиларига айланадилар. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш

эҳтимолига эга бўлади. Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди. Республика қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл инвестициялари миллийлаштирилиши, давлат тасарруфига олиниши мумкин эмас.

1.3.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар⁸.

№	Расмий муассаса номи	Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси
1.	Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	<i>Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради:</i> -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; -давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш.
2.	Иқтисодиёт вазирлиги	<i>Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш</i>
3.	Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	-Мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириш; -инвестиция муҳитини ўрганиш; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини

⁸ Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т., Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 166 б.

		<i>аккредитациялаш</i>
4.	Давлат мулкни бошқариш кўмитаси	<i>Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиш.</i>
5.	Молия вазирлиги	<i>Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш.</i>
6.	Адлия вазирлиги	<i>Четэлинвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш.</i>
7.	Ташқи ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларга визалар бериш.</i>
8.	Ички ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш.</i>
9.	Давлат солиқ кўмитаси	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш.</i>
10.	Марказий банк	<i>Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишини тартибга солиш, қарз сиёсати.</i>
11.	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	<i>Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш.</i>
12.	«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест- интернешнл» кўшма корхонаси	<i>Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан суғурталаш.</i>
13.	«Ўзбекинвестлойиҳа» миллий инжиниринг компанияси	<i>Дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосномаларини тайёрлаш.</i>
14.	Давлат мулкни кўмитаси ҳузуридаги қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	<i>Қимматли қўғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қўғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш.</i>

Чет эл инвестициялари табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар ҳолларини мустасно қилганда, риквизиция қилинмайди. Чет эл инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган ўз фойдаси ва бошқа маблағларини чет эл валютасида четга ўтказиш кафолатланади. Қонун ҳужжатларида чет эллик инвесторларга уларнинг давлат бошқарувининг

ваколатли органлари билан тузадиган концессия шартномалари асосида табиий ресурсларни қидириш, фойдаланишга тайёрлаш ва фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини жорий қилиш учун концессиялар бериш назарда тутилган. Республика қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган фаолиятнинг ҳамма соҳалари ва турлари бўйича концессия берилиши мумкин. Чет эллик инвестор қарори билан инвестицияларга ҳамда уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи республика қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга берилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятини амалга оширишни муҳим шартларидан бири муомалада бўлган пул бирлигини қадрсизланишини олдини олишдир. Инвестиция фаолиятдан олинадиган самарани кўпайтириш мақсадида инвестициялар ҳажмини, йўналишларини ва манбаларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан биргаликда янги молиялаштириш, кредит билан таъминлаш, баҳони таҳлил қилиш, солиққа тортиш тизимларини такомиллаштиришдир. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва асосий муаммолардан бири чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни республика минтақалари бўйлаб бир текис жойлаштиришдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутди. Бунда чет эл инвестициялар оқимини рағбатлантириш, шу билан бирга миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўринда туради. Шундай қилиб давлат томонидан инвестиция муносабатларини тартибга солишнинг вазифаси, бир томондан, бевосита чет эл инвестициялари оқимини оширишдан, иккинчи томондан, миллий

иқтисодиётдаги хусусий мулкчилик субъектларининг қўйилмаларини кенгайтиришдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар 1.3.1-жадвалда келтирилган.

Давлат хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг қуйидаги усулларида фойдаланади:

1) молиявий: жадаллаштирилган амортизация; солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;

2) номолиявий: ер участкалари ажратиш; зарурий инфратузилма объектлари билан таъминлаш; техник ёрдам кўрсатиш.

Хорижий инвестицияларга асосан 2 гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади:

1) иқтисодий омиллар:

-ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг бир маромда ушлаб турилиши;

-жаҳон ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётидаги чуқур таркибий силжишларнинг амалга оширилиши (айниқса, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва жаҳон хизматлар бозори тараққиёти таъсири остида олиб борилиши);

-ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашуви;

-жаҳон иқтисодиёти трансмиллийлаштирилишининг ўсиб бориши (масалан, АҚШ трансмиллий корпорация (ТМК)лари хорижий филиалларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми АҚШ товар экспортидан 4 маротаба ортиқдир);

-ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши;

-халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаол ривожланиши ва бошқалар.

2) сиёсий омиллар:

-капитал экспорти (импорти)ни эркинлаштириш (эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), оффшор ҳудудлари ва бошқалар);

-ривожланаётган мамлакатларда индустирлаштириш сиёсатини олиб бориш;

-иқтисодий ислохотларни олиб бориш (давлат корхоналарини хусусийлаштириш, хусусий секторни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш);

-бандлик даражасини ушлаб туриш сиёсатини олиб бориш ва бошқалар.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан куролланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқариш замонавий, рақобатдошлар товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб боради. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

«Инвестиция» сўз инглиз тилидан (investments) олинган бўлиб, «капитал қўйилма» деган маънони билдиради. Ҳозирги кунда инвестиция моҳияти ҳақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, бу қарашлар унинг моҳиятини турлича ифодалайди. Инвестиция моҳияти қандайдир самара ёки даромад олиш учун турли шаклларда капитал қўйиш жараёнини ифодалайди. Бундай тушунча бир мунча умумий характерга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ, инвестицияларнинг моҳияти иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларни ифодалайди.

Ўзбекистонда иқтисодий сиёсат ўзидаги яққол кўзга ташланувчи индустриал устуворликлар билан ажралиб туради. Бунда хорижий инвестициялар ва кредитларга катта ўрин ажратилган.

Инвестицияларни чуқур ўрганиш учун аввало уни белгилари бўйича туркумлаш лозим. Объектларга инвестиция маблағларини йўналтириш бўйича инвестициялар реал ва молиявий инвестицияларга бўлинади:

- реал инвестициялар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқаларга капитал (пул маблағлари) қўйиш демакдир;

- молиявий инвестициялар қимматли қоғозлар чиқариш ва реализацияси билан боғлиқ ишлар учун сарфланадиган маблағлардан иборатдир.

Инвестициялашда қатнашиш характерига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- тўғридан-тўғри инвестициялар (асосан объект аниқ бўлган, маълум мақсадни амалга ошириш реал бўлган тақдирда йўналтириладиган маблағлардир);

- эгри инвестициялар (булар воситачилар орқали объектларга сарфланади ва олинган даромад мижозлар ўртасида тақсимланади).

Инвестициялар қўйиладиган даврига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- қисқа муддатли инвестициялар (бир йилгача бўлган қисқа муддатли омонат сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар);

- узоқ муддатли инвестициялар (бир йилдан ортиқ муддатларга қуйилган капитал, пул маблағлари).

Инвесторларнинг мулк шаклларига кўра инвестициялар қуйидагиларга бўлинади:

- хусусий инвестициялар (шахслар, фуқаролар, нодавлат корхоналари томонидан қуйилади);

- давлат инвестициялари (марказий ва маҳаллий ҳукумат бошқариш органлари томонидан қуйиладиган инвестициялар);

- хориж инвестициялари (чет эл фуқаролари, юридик шахслар ва давлатлар томонидан қуйилган инвестициялар);

- ҳамкорликдаги инвестициялар (мазкур мамлакат ва хориж мамлакатлари биргаликда қуядиган инвестициялар).

Худудий белгилар бўйича инвестициялар қуйидагиларга бўлинади:

- мамлакат ичкарасида ёки ҳудудларга қўйиладиган инвестициялар;

- хориж мамлакатларда ишлаб чиқаришга инвестициялар қўйиш (хорижий инвестициялар пул маблағлари ёки акция шаклида ҳам бўлиши мумкин).

Инвестиция бозори тузилишига кўра икки қисмга бўлинади:

1. Реал объектларни инвестициялаш бозори, бу бозор таркибига:

- тўғридан-тўғри капитал маблағларни йўналтириш бозори;
- хусусийлаштирилаётган объектлар бозори;
- кўчмас мулк бозори;
- бошқа объектларни реал инвестициялаш.

2. Молиявий инвестициялаш инструментлари бозори, фонд бозори ва пул бозорига бўлинади.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солинишининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) Инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш.

- 2) Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш.
- 3) Нормалар, қоидалар, стандартларни белгилаш.
- 4) Монополияга қарши чораларни қўллаш.
- 5) Кредит сиёсати ва нарх сиёсатини ўтказишга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш.
- 6) Инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш.

II БОБ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Мамлакатимиз реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши ҳолати таҳлили.

Статистик рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, 2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Этиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон 2013 йилда бизнес учун (яратилган шароитлар, хусусан, қўшма корхоналар учун солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар) дунёдаги энг истиқболли 20 та давлат қаторига қўшилган Марказий Осиёда ягона давлат бўлди. Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Британиянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган “Maplecroft” консалтинг компанияси хулосасига асосланган ҳолда эълон қилди. “Maplecroft” компанияси томонидан ҳисоблаб чиқиладиган “Ривожланиб бораётган бозорлар индекси” бизнес юритиш учун истиқболли бўлган 175 та давлатни ўз ичига олган. Индексда ўтган йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар, мамлакатнинг инвестиция сарфлаш учун жозибадорлиги, энг сўнгги таркибий ислохотлар ва демографик аҳвол, шу жумладан ўрта синф сони бўйича прогнозлар эътиборга олинган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муваффақиятлари юртимиздаги сиёсий барқарорлик ва ислохотларнинг изчил амалга оширилишига асослангани етакчи халқаро экспертлар томонидан бир неча бор таъкидланди.

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқирознинг салбий оқибатларига нафақат ишончли тарзда бардош бермоқда, балки макроиқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларини сақлашга эришмоқда.

Айниқса, инвестиция соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар эътиборга молик. Истиқлол йилларида мамлакатда самарали қонунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг кўламли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлашга кўмаклашади;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва техник қайта қурулланади;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналар барпо этилади⁹.

Юртимизда олиб борилаётган оқилона ва ўзоқ муддатга мўлжалланган инвестицион сиёсат натижасида 2012 йилда жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Айни дамда ҳукуратимиз томонидан минтақаларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ички ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда (3.1.1-расм).

Нуфузли “Диоложик”¹⁰ консалтинг компанияси (Буюк Британия) томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси 2012 йил якунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди. Айни пайтда, мазкур компания энг йирик инвестицион лойиҳалар, инвестицион банклар ва консалтинг компанияларининг йиллик рейтингларини эълон қилиб бормоқда. Яқинда “Уолл стрит жорнал” билан ҳамкорликда “Диложик” компанияси реал вақт режимида жаҳон минтақалари бўйича инвестицион фаолликка оид электрон бюллетенни эълон қила бошлади. Сайёрамизнинг 2012 йилдаги глобал инвестицион лойиҳалари рейтингига дунёнинг барча минтақалари ва инфратузилмаларида амалга оширилган энг йирик инвестицион лойиҳалар киритилди.

⁹Алматова Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. “О’ЗНА” - “ЭВУ” 1/2012.

¹⁰“Диложик” компанияси 1983 йилдан буён тижорат банклари, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва сармоядорлар учун молиявий бозорлар, қимматли қоғозлар ҳамда инвестицион фаолият масалалари бўйича таҳлилий ва консалтинг хизматларини кўрсатадиган ташкилот.



2.1.1-расм. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ички ресурслардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари.

Умуман, 2012 йилда дунёда лойиҳавий молиялаш асосида умумий қиймати 382 миллиард долларга тенг тўққиз юздан зиёд лойиҳа амалга оширила бошланган. Аини пайтда уларнинг салмоқли қисми Осиё минтақасига (28 фоиз), Австралияга (22 фоиз) тўғри келди. Европада лойиҳавий молиялаш ҳажми умумий молиялаш ҳажмининг 16 фоизини ташкил этиб, бир йилда 38 фоизга камайган, Шимолий Америкада бу кўрсаткич 13 фоизни, Жанубий Америкада 11 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида ҳам лойиҳавий молиялаш ҳажми 29 фоизга камайиб, умумий миқдорнинг 9 фоизини ташкил этди. Тармоқлар бўйича етакчи ўринни – 30 фоизни транспорт ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари эгалари, нефть-газ ва нефть-кимё саноати лойиҳалари, шунингдек, электроэнергия соҳасидаги лойиҳаларнинг ҳар бири 29 фоизни ташкил этди. Қолган қисми телекоммуникация, тоғ-кон саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги лойиҳалардир.

Дунёнинг энг яхши ўнта инвестицион лойиҳаси қаторидан нефть-газ, тоғ-кон саноати, транспорт ва коммунал инфратузилмалари лойиҳалари ўрин олди. Улар Австралияда (тўртта лойиҳа), АҚШ, Франция, Буюк Британия, Сингапур, Германия ва Ўзбекистонда (биттадан лойиҳа) амалга оширилмоқда.

Глобал лойиҳаларнинг “ўнлиги”га киритилган Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси ривожланаётган мамлакатлар бозоридаги энг йирик инвестицион лойиҳа, деб эътироф этилди.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасида йирик Сурғил газ конини ўзлаштиришни янада жадаллаштириш, табиий газни ажратиб олиш, крекинг ва якуний маҳсулот ишлаб чиқариш заводларининг барпо этилиши назарда тутилган. Ушбу мажмуа 4,5 миллиард кубметр табиий газни қайта ишлаш натижасида 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради. Йиллик экспорт ҳажми 750 миллион доллардан ошади. Маҳсулотнинг, асосан, Европа, Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё бозорларида сотилиши мўлжалланмоқда. Устюрт газ-кимё мажмуаси 2016 йилдан ишга туширилади.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини “Uz-Kor Chemicals” қўшма корхонаси амалга оширади. Мазкур қўшма корхона “Ўзбекнефтьгаз” миллий холдинг компанияси ҳамда Жанубий Кореянинг “Kogaz”, “Lotte Petrochemicals” ва СТЭкс энерги” компаниялари инвестициявий консорциуми томонидан таъсис этилган.

Шунингдек, “Томсон-Рейтер” жаҳон бизнес ахборот агентлигининг бўлинмаси – “Прожект файненс интернэшнл” журнали 2012 йил якунлари бўйича, лойиҳанинг ноёблиги ва янгилигини алоҳида қайд этиб, ўз рейтингда Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини йилнинг энг яхши лойиҳаси, собиқ иттифоқ ҳудудидаги энг йирик нефть-кимё лойиҳаси, деб эътироф этганди¹¹.

¹¹“Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 1 февраль, № 22(5696).

2013 йил 30 январь куни Лондонда “Projekt Finance International” ташкилоти томонидан юксак мукофот “Ўзбекнефтгаз” МХК ва Корея Республикаси билан ташкил этилган қўшма корхоналар вакилларига топширилди.

2012 йилда “Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мазкур саноат ҳудудига инвестициялар жалб қилинган ҳолда, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган истикболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилгани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

Маълумки, инвестицияларни кенг қўламда иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига йўналтиришда тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. 2012 йилга мўлжалланган инвестиция дастурида тижорат банклари томонидан Ватанимиз тараққиётини янада ошириш баробаринда 3 524 824 миллион сўм¹² маблағ йўналтирилиши режалаштирилган эди. Бу эса умумий капитал маблағларининг қарийб 15 фоизини, марказлашмаган инвестицияларнинг эса 19,6 фоизини ташкил этади. Аҳоли жамғармалари эвазига ҳосил бўлаётган маблағларини инвестиция кўринишида сарфланаётгалиги ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Йиллар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда капитал қўйилмалар учун аҳоли маблағлари ҳисобидан 2 584 800 миллион сўм инвестиция ажратилган бўлса, 2012 йилга келиб аҳоли маблағларининг жами миқдори 3 237 604 миллион сўмни ташкил этган. Демак, ўтган йилга нисбатан аҳоли маблағлари ҳисобидан иқтисодиётга йўналтирилган инвестицион маблағларнинг ўсиш суръати 113,2 фоизни ташкил қилган. Зотан, аҳоли томонидан йўналтирилаётган инвестицион маблағларнинг манбаи улар томонидан иш ҳақи, рента, фоиз, дивиденд ва бошқа кўринишдаги даромадлар ҳисобига

¹²Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарори, 1-илова.

шаклланади. Аҳолининг даромадлари асосан истеъмолга ва жамғармага йўналтирилади. Аҳолининг истеъмол ҳажмига кўра даромад ҳажмининг ўсиш суръати юқорилиги жамғарманинг ўсишига замин яратади. Жамғарма ўз навбатида, инвестициянинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли қарорининг 1-илоvasида жами капитал маблағлар 23679701 миллион сўм этиб режалаштирилган эди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Иқтисодиётга йўналтирилган жами капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни ташкил этган бўлса, қолган 75,8 фоизи марказлашмаган маблағлар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва аҳоли маблағларидан иборат бўлган. 2012 йилда давлат кафолати остида кириб келган хорижий инвестициялар миқдори 1701901 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестиция миқдори 3792,3 млрд. сўмни (2 миллиард 500 миллион доллар¹³) ташкил этган.

Ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ҳам бўлса, мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорликнинг таъминланганлиги, қўшма корхоналарнинг ривожини йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, хусусан, уларга яратиб берилаётган солиқ, божхона имтиёзлари, преференциялар, давлат рўйхатидан ўтказиш тизимининг соддалашганлиги (сертификат, гувоҳнома ва лиценциялаш тизими) ҳамда валютани эркин конвертациялаш билан боғлиқ қулайликларни қайд этиш мумкин.

Халқаро молия институтлари томонидан 2012 йил “Мустаҳкам оила йилида” - 81,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилган. Иқтисодий барқарорлик — хорижий инвесторлар учун ҳам, мамлакат тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки қайси давлатда

¹³Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

сармоядорларга қулай муҳит яратилса, ўша жойга интилиш кучаяди. Қувонарлиси, бугун Ўзбекистон ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли юртимизга чет эллик инвесторларнинг қизиқиши тобора ортмоқда. Бундан ташқари, республикамизнинг хом ашё захираларига бойлиги, ривожланган инфратузилма ва юқори интеллектуал салоҳиятнинг мавжудлиги, энг муҳими, қулай географик жойлашуви хорижлик ҳамкорлар билан ишлаш кўламини кенгайтиришга хизмат қиляпти.

Шунингдек, мамлакатимизда инвестицион жозибадорликни ошириш билан боғлиқ қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, энг муҳими, минтақада ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини олдини олиш бўйича амалга оширилиб келинаётган чора-тадбирлар ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиб бораётганлигини ҳам эътироф этиш мумкин.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни амалга ошириш орқали қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самараларга эришилади:

- ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш миқдор ва сифат жиҳатдан ўсмоқда;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортишига ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади;
- жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳияти ўсади¹⁴.

Биргина ўтган 2012 йилда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари томонидан жами 18463,0 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бунда хорижий компания ва корхоналарнинг ҳиссаси 36,4 фоизни ташкил қилган. Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган

¹⁴Қаландаров Р. “Биржа Эксперт” журнали. 2012 йил, № 6.

товар ва хизматларни экспорт қилиш натижасида 2661,9 миллион АҚШ доллари ҳажмида валюта тушуми ҳосил қилинган бўлса, бунда хорижий компаниялар улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг ҳиссаси 18,8 фоизни ташкил этган. Саноат маҳсулотлари импорти эса 5045,9 миллион долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичда хорижий компаниялар сармояси эвазига тузилган қўшма корхоналарнинг улуши 42 фоизни ташкил қилди.

Мазкур кўрсаткичларни вилоятлар кесимида қараб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг улуши мос равишда 36,6; 36,2; 44,4 фоизларни ташкил қилади. Аммо Андижон вилоятида фаолият юритаётган қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари вилоятда ишлаб чиқарилган умумий саноат маҳсулотларининг қарийб 79 фоизини ташкил қилиб, республикамиз вилоятлари ичида энг юқори кўрсаткични намоён этган. Саноат маҳсулотлари экспортидан келиб тушаётган маблағларнинг 89,1 фоизи, импортнинг 95 фоизи, айнан, хорижий сармоя улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 63,2 фоизни ташкил этгани ҳолда, Андижон вилоятидан кейинги ўринларни эгаллайди. Энг паст кўрсаткичлар эса Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келган. Нега деганда, мазкур вилоятда ишлаб чиқарилаётган аксарият саноат маҳсулотлари маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади. Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Андижон вилояти пешқадам вилоятлардан ҳисобланади. Таҳлил этилаётган 2012 йилда республикада ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг 25,2 фоизи мазкур вилоят ҳиссасига тўғри келган (4546,8 млрд.сўм).

2.1.1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилдаги Инвестиция
дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий
параметрлари¹⁵ млн. сўм.**

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	<u>20721845</u>	<u>23679701</u>
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2012 йилдан Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси) - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	911 834 609800 139930 162104	1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)	1 376 130 171 750	1 701 901 301 564


¹⁵Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари.

2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	2 069 185 196 289	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3835109	4340656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

2012 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 22067,0млрд. сўмни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 14690,8 млрд. сўми бевосита ишлаб чиқариш мақсади учун йўналтирилган бўлса, 7376,2 млрд. сўми ноишлаб чиқариш соҳаларига жойлаштирилган.

Қуйидаги диаграммалардан кузатиш мумкинки, ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг катта қисми иссиқлик-энергияси, кимё ва нефт-кимё соҳаларига тўғри келган. Ишлаб чиқариш соҳаларига тегишли бўлган статистик таҳлиллар ва мулоҳазаларни бобнинг кейинги параграфларида батафсил изоҳи келтирилади.

2009 йилдан қишлоқ ҳудудларида аҳоли учун намунали уй-жойлар қурилишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганлиги муносабати билан ҳар йили уй-жойлар қурилиши учун давлат маблағлари, тижорат банклари кредитлари, аҳоли маблағлари ҳисобига инвестициялар ҳажми ўсиб бормоқда. Хусусан, 2012 йилда уй-жой қурилиши учун турли манбалар ҳисобига 4402,5 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди. Ушбу рақам ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган жами инвестицион маблағларнинг 60 фоизини ташкил этади (2.1.2-расм).




2.1.2-расм. Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, млрд. сўм.

Соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, диверсификациялаш натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида истеъмол талаби ва мамлакатимизнинг истиқболини кўзлаган ҳолда, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш орқали инвестицион маблағлар (ички ва ташқи) жалбэтилмоқда. Айниқса, инвестициявий кредитларни тармоқлар бўйича диверсификациялаш республика иқтисодиётини бир текисда ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Хусусан, 2011-2015 йилларда банклар кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган жами 1084,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳалари мутаносиб равишда – геология, иссиқлик энергияси мажмуаси, кимё, нефтни қайта ишлаш ва металлургия саноатидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 37,3 фоиз (405,2 млн. АҚШ доллари), машинасозлик, электротехника ва авация саноати мажмуасини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 18,1 фоиз (195,7 млн. АҚШ доллари), қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни

молиялаштиришга 6,4 фоиз (69,8 млн. АҚШ доллари), коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустриясини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 9,3 фоиз (101,2 АҚШ доллари), таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасини ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 4,7 фоиз (51 млн АҚШ доллари), макроиктисодий ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга 24,1 фоиз (261,1 млн. АҚШ доллари) тақсимланиши белгиланган¹⁶.



2.1.3-расм. Ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилгани инвестициялар миқдори, млрд. сўм.

Ушбу ўринда назарий-амалий таҳлилларга навбат берадиган бўлсак, мамлакатда капитал омили асосидаги хорижий ва миллий инвестициялар солиштирилганда, хорижий секторда капитлаинтенсивлиги ўта юқори эканлиги намоён бўлмоқда. Яъни, хорижий сектор капитал талаб ишлаб чиқаришни акс эттираётган бўлса, миллий сектор меҳнатталаб ишлаб чиқаришни акс эттирмоқда. Тадқиқотларга кўра хорижий секторда ўртача капиталинтенсивликнинг нисбий даражаси 20,73 бирликка тенг. Миллий секторда эса, ушубу кўрсаткич 0,79 бирликка тенг бўлган. Хорижий

¹⁶ Аҳмедов Х. Инвестициявий кредитлашда диверсификациялашнинг аҳамияти. “Бозор, пул ва кредит” журнали. 2012 йил, № 09 (184).

секторнинг нисбий капиталинтенсивлик даражаси миллий сатордаги ҳолатидан 26,2 марта ортиқ. Бу ҳол мамлакат иқтисодиётидаги хорижий ва миллий инвестицияларнинг таъсири тадқиқ этилганда хорижий сектор нисбатан самарали эканлигини ифодалайди. Демак, миллий секторда ҳам капиталинтенсивлик даражасини ошириш лозим¹⁷.

2013 йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган ижтимоий-иқтисодий эзгу-мақсадлар. Президентимиз Ислоҳ Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилди. Ушбу эзгу мақсадлар “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган чора-тадбирлар ўтган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ишларнинг мантикий давомидир. “Обод турмуш йили” Давлат дастури 8 бўлим ва 86 банддан иборат бўлиб, уларда мамлакатимизнинг жорий йилда ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳамда сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳар бир оилада ва, умуман, жамиятимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш йўллари аниқ белгиланган.

Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараённи таъминлаш мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, қуцли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилдир.

¹⁷ Мадрахимов У. Иқтисодий ўсишга омиллар самарадорлигининг таъсири. “Бозор, пул ва кредит”/07 (182), 2012 й.

Дастурда қайд этилган тадбирларни амалга ошириш учун жами 6655 миллиард сўм ёки 919,2 миллион АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилади. Шунинг 3312,4 миллиард сўмини давлат бюджети ва давлатдан ташқари жамғармалар, 1917,9 миллиард сўмини ижрочилар ва хомийлар, 1424,7 миллиард сўмини тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади. Шунингдек, 664,6 миллион доллар ҳажмида халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва грантлар жалб этилади¹⁸.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданоқ, миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этишни рағбатлантиришда солиқ тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда асосий капиталага киритилаётган инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг қарийиб тўртдан бир қисмини ташкил этишида берилаётган солиқ имтиёзлари катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишлар 2012 йилда ҳам давом эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

¹⁸ Обод турмуш йили: эзгу мақсад ва муҳим вазифалар. “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 21 февраль, № 36.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

2.2.Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарида хорижий инвестициялардан фойдаланиш ҳолати.

Чирчиқ шаҳри 1935 йил 27 апрелда ташкил этилган бўлиб, Тошкент вилоятининг жанубий – ғарбий қисмида жойлашган.Шимолий шарқда Бўстонлик тумани билан, жануби-ғарбда Қибрай тумани билан, жанубда Юқоричирчиқ тумани билан чегарадош. Умумий ер майдони 34 минг кв км., шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 324 га.

Аҳоли сони 2013 йил 1 январ ҳолатига 147,6 минг кишини ташкил этади. Аҳолининг миллий таркиби бўйича ўзбеклар 31 %, қozoқлар 16,9 %, тожиклар 10,4 %, руслар 30,9 %, татарлар 3,1 %, корейцлар 2,9 % ва бошқа миллатлар 16,59 % ташкил этади.

2.2.1-жадвал.

Иқтисодиётда банд аҳоли. минг.киши

		2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
	Жами	75,2	76,2	78	67,8
	шу жумладан				
1.	Қишлоқ хўжалигида	0,147	0,124	0,127	0,123
2.	Саноатда	14	14,109	14,442	15,090
3.	Қурилишда	2,074	0,72	0,737	0,795
4.	Транспортда	3,609	0,817	0,836	0,756
5.	Алоқада	0,375	0,274	0,28	0,230
6.	Савдо, умумий овқатланиш моддий таъминот, тайёрлов корхоналарида	3,119	1,724	1,765	1,771
7.	Уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат	3,919	1,232	1,261	1,312
8.	Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	6,58	2,276	2,33	2,520
9.	Халқ таълимида	9,994	4,107	4,204	3,950
10.	Маданият ва саънат	0,131	0,131	0,134	0,132
11.	Суғурта, молия, ва нафақа жами	0,578	0,294	0,301	0,340
12.	Бошқарув органларида	0,203	0,933	0,955	0,405
13.	Бошқа соҳа ва тармоқларда	5,378	0,274	0,28	0,300

Манба: Чирчиқ шаҳар статистика қўмитаси маълумотлари.

2.2.1-жадвални таҳлилидан шуни кўришимиз мумкинки Чирчиқ шаҳридаги саноат тармоғидаги аҳолининг бандлиги ўсиш характериға эға, агар 2009 йилда 14 мингта киши саноат тармоқларида иш билан банд бўлган

бўлса 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 15,090 тани ташкил қилади, бу кўрсаткич шаҳарда саноат тармоқларининг кенгайиб янги иш ўринлари яратилаётганлиги билан боғлиқдир.

Чирчиқ шаҳрида бугунги кунда 300 та саноат корхоналари мавжуд бўлиб, шу жумладан 11 та йирик ва 289 та кичик бизнес саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналар томонидан 2012 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми 683959 млн.сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116 фоизни ташкил этди (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал.

Чирчиқ шаҳарининг макроиктисодий кўрсаткичлари.

(қиймати амалдаги нархларда, фоизи солиштира нархларда)

			2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
1	Саноат ишлаб чиқариш	млн.сўм	403 750,5	463 274,7	606 518,4	683959
	Ўсиш суръати	%	115,5	108,8	111,3	116
2	Истеъмол моллари	млн.сўм	55 957,7	74 965,6	110 315,6	141669
	Ўсиш суръати	%	121,3	123,9	124,8	115,1
3	Капитал қўйилмалар	млн.сўм	59686,4	74574,1	80419,1	71945,7
	Ўсиш суръати	%	118,3	116,6	93,4	103,7
4	Пудрат ишлари	млн.сўм	14329,1	19474,0	56141,2	56371,6
	Ўсиш суръати	%	164,2	120,7	202,6	93,3
5	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	10061,8	12699	16585,5	20567,5
	Ўсиш суръати	%	110	105,8	106,9	105,6
6	Чакана савдо	млн.сўм	90 193,6	124 126,0	169 312,0	220416
	Ўсиш суръати	%	113,4	125,9	116,4	114
7	Хизматлар жами	млн.сўм	238 716,0	280 319,7	289 861,0	352148,2
	Ўсиш суръати	%	131,5	128,7	116,2	111,6
8	Пуллик хизмат	млн.сўм	45 783,1	52 473,0	77 751,2	93586,1
	Ўсиш суръати	%	126,1	121,5	125,2	110,3
9	Экспорт	минг.долл	103638,6	121888,8	162970,4	173300
	Ўсиш суръати	%	81,3	117,6	133,7	106,4
10	Импорт	минг.долл	76162,8	52860,1	74103,0	90785,3
	Ўсиш суръати	%	105,5	69,4	129,7	122,5
11	Жами капитал қўйилмалар	млн.сўм	59686,4	74574,1	80419,1	71945,7

Манба: Чирчиқ шаҳар статистика қўмитаси маълумотлари.

Чирчиқ шаҳрида йилдан-йилга саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда, худди шу кўрсаткични халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кўришимиз мумкин, агар 2009 йилда истеъмол

моллари ишлаб чиқариш ҳажми 55957,7 млн. сўмни ташкил қилган бўлса 2012 йилга келиб эса 141669 млн. сўмни ташкил қилган.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 99,3 фоизи нодавлат мулк шаклидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келди. Қолган 0,7 фоизи “Чирчиқ Авиация таъмирлаш” шўъба корхонаси ҳисобига тўғри келади. Шаҳарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда 141670 млн. сўм бўлиб, шундан ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 46 фоизи кичик бизнес субъектлари корхоналари ҳисобига тўғри келади.

2012 йилида барча молиявий манбалар ҳисобидан 71945,7 млн.сўмлик асосий капиталга киритилган инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизга тенг бўлди.

2.2.3-жадвал.


Чирчиқ шаҳрида ўзлаштирилган инвестициялар таркиби.

			2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
1	Марказлаштирилган инвестициялар	млн.сўм	14624,1	4819,9	2007,4	3251,1
	- бюджет маблағлари	млн.сўм	1408,1	4613,6	1156,4	808,7
	- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	млн.сўм	13216,0	206,3	851,0	1146,1
2	Марказлашмаган инвестициялар	млн.сўм	45062,3	69754,2	78411,7	10257,9
	- корхоналарнинг ўз маблағлари	млн.сўм	20746,6	33666,1	29887,4	32511,8
	- тижорат банклари кредитлари	млн.сўм	4019,3	1722,2	5516,0	10257,9
	- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	млн.сўм	15323,3	25407,3	38979,3	25308,8
	- аҳоли маблағлари	млн.сўм	1510,8	7423,6	2388,6	1912,4
	- бошқалар	млн.сўм	3462,4	1535,0	1640,5	1042,2
3	Инвестицион лойиҳалар сони	бирлик	2	8	8	9
	Қиймати	млрд.сўм	2,2	5,408	5,269	4,118

Манба: Чирчиқ шаҳар статистика қўмитаси маълумотлари.

2009 йилда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 15323,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 25407,3 млн. сўмни, 2011 йилда эса 38979,3 млн.сўмни ташкил этиб, ўсиш тенденциясига эга бўлаган, 2012 йилда эса бу кўрсаткичнинг биров пасайганлигини, 25308,8 млн. сўм кўришимиз мумкин. Юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни


кузатишимиз мумкинки шаҳарга йўналтирилаётган инвестицион лойиҳалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.



2.2.1-расм. Чирчиқ шаҳрида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми, млн.сўм.

Манба: Чирчиқ шаҳар статистика қўмитаси маълумотлари.


Шаҳарда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни динамикасини таҳлилидан шуни кўришимиз мумкинки 2009-2011 йиллар давомида ўсиш тенденцияси кузатилган, 2012 йилда эса 25308,8 млн.сўм ни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин. (2.2.1-расм)



2.2.2-расм. Чирчиқ шаҳрида ўзлаштирилган инвестицион лойиҳалар қиймати млрд.сўм.

Манба: Чирчиқ шаҳар статистика қўмитаси маълумотлари.

Шаҳарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда 141670 млн. сўм бўлиб, шундан ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 46 фоизи кичик бизнес субъектлари корхоналари ҳисобига тўғри келади.



2.2.3-расм. Чирчиқ шаҳрида ўзлаштирилган марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар ҳажми млн.сўм.

Манба: Чирчиқ шаҳар статистика қўмитаси маълумотлари.

Чирчиқ шаҳрида ўзлаштирилган марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, марказлашмаган инвестициялар миқдори марказлашган инвестициялар миқдорига нисбатан анча кўплиги кузатилади. (2.2.3-расм) 2012 йилда марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар миқдорининг анча паст кўрсаткичга эга бўлганлигини кўришимиз мумкин, бунинг сабаби жаҳонда юз берган молиявий-иқтисодий инқироз натижасида инвестициялар ҳажмининг пасайиши ва бошқа кўплаб омиллар билан боғлиқ.

2.2.4-жадвал.

Чирчиқ шахрида жойлашган йирик реал сектор корхоналарида ишлаб чиқарилган товарлар ҳажми. млн сўм

№	Корхоналар номи	2012 йил январь-декабрь ҳолатига		2011 йил январь-декабрь ҳолатига		Ўсиш суръати	Ўсиш суръатининг пасайиш сабаблари
		Амалда- ги нархлар- да	Таққос- ланган нархлар да	Амалда- ги нархлар да	Таққос- ланган нархлар да		
1	СП ОАО "Чирчиқ Максам"	327392,5	297564,7	273747,1	267012,9	111,4	
2	СП"Трансформатор заводи "	51646,6	49574,6	60746,2	58255,4	85,1	Корхонада текширув пайтида маҳсулот сотишга харидорлар билан шартномалар тузишга рухсат берилмаган.
3	ОАО"ЎзКТЖМ"	44709,2	42217,7	39570,2	37053,6	113,9	
4	ОАО"Ўзбекхиммаш"	56373,8	55679,2	44844,2	44965,0	123,8	
5	ОАО "Чирчиқсель- маш"	3335,1	3335,1	2341,5	2527,6	131,9	
6	"ЧМТЗ" ОАЖ	6794,1	16795,7	7828,8	7828,8	214,5	
7	ИП "Дайшен мегатекс"	24339,1	21031,6	27531,8	20040,7	104,9	
8	"ЧАРЗ"	4405,2	4405,2	4250,6	4250,6	103,6	
9	ҚК "Ўзросавиа"	876,8	876,8	1508,5	1508,5	58,1	Корхона маҳсулотлари(авиация техникасини таъмирлаш)га ўтган йилга нисбатан талабнинг камлиги сабабли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кам ишлаб чиқариши кутилмоқда.
10	ИП"LUKBO"	23844,2	23844,2	16576,9	16576,9	143,8	
11	Кичик бизнес	140242,7	144039,7	104589,6	108169,7	133,2	
Жами:		683959,3	659364,6	583535,4	568189,8	116,0	

Манба: Чирчиқ шаҳар статистика қўмитаси маълумотлари.

Чирчиқ шахрида жойлашган йирик реал ишлаб чиқариш корхоналарининг кўрсаткичлари таҳлилидан шу нарсани кўришимиз мумкинки, СП ОАО "Чирчиқ Максам" да 2011 йилда амалдаги нархлар бўйича 327392,5 млн. сўмлик товарлар ишлаб чиқарилган, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 273747,1 млн. сўмни ташкил этган. СП "Трансформатор заводи" да эса 2011 йилда амалдаги нархлар бўйича 51646,6 5 млн. сўмлик товарлар ишлаб чиқарилган, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 60746,2 млн. сўмни ташкил этган.

2.2.5-жадвал.

**Чирчиқ шаҳрининг 2006-2013 йилларда макроиқтисодий
кўрсаткичлари тўғрисида маълумот.**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2006 й	2011 йил	2012 йил	2013 йил прогноз	Фарқи 2012 йилда 2006 йилга нисбатан (+:-) ва (%)	2013 йил 1-чоракда кўрсатки чларнинг кичик бизнесда- ги улуши
1	Саноат махсулотлари	млн.сўм	213516,2	545258,7	659364,6	693651,6	331742,5	34643,5
		ўсиш суръати	104,0	111,3	116,0	105,2	255,4	21,0
2	Халқ истеъмол моллари	млн.сўм	35314,3	110315,6	141670,0	154420,3	75001,3	15083,7
		ўсиш суръати	125,3	124,8	115,1	109,0	312,4	48,8
3	Пудрат қурилиш ишлари	млн.сўм	5712,9	56141,2	56371,6	57217,2	50428,3	2951,9
		ўсиш суръати	117,7	202,6	93,3	101,5	982,7	55,5
4	Капитал қўйилмалар	млн.сўм	16,3	80419,1	72105,0	73547,1	80402,8	3018,9
		ўсиш суръати	47,5	93,4	103,7	102,0	494278,4	35,0
5	Қишлоқ хўжалиги	млн.сўм	3754,9	16585,5	20567,5	21842,7	12830,6	3065,3
		ўсиш суръати	138,4	106,9	105,6	106,2	441,7	96,0
6	Чакана савдо айланмаси	млн.сўм	38900,7	155660,5	220416,0	242457,6	116759,8	23645,8
		ўсиш суръати	113,3	116,4	114,0	110,0	400,1	54,0
7	Жами хизматлар	млн.сўм	97123,3	289861,0	352148,2	394406,0	192737,7	44193,5
		усиш суръати	122,1	116,2	111,6	112,0	298,4	51,0
8	Пуллик хизмат курсатиш	млн.сўм	13999,6	77751,2	93586,1	103412,6	63751,6	2496,7
		ўсиш суръати	127,5	125,2	110,3	110,5	555,4	11,2
9	Экспорт	минг долл.	60007,4	162 970,4	172 385,2	176 453,5	102963,0	1853,2
		ўсиш суръати	85,4	133,7	130,6	102,4	271,6	5,0
10	Янги иш ўринлари	киши	2210,0	4 937,0	4 958,0	4 971,0	2727,0	775,0
		ўсиш суръати	110,1	103,4	100,4	100,2	223,4	67,5

Манба: Чирчиқ шаҳар статистика қўмитаси маълумотлари.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан шу нарсани кўришимиз мумкинки, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 2006 йилда 35314,3 млн.сўмни ташкил этган, 2012 йилда эса 141670,0 млн. сўм яъни бироз пасайиш кузатилган, капитал қўйилмалар миқдорини таҳлил қиладиган бўлсак 2006 йилда 16,3 млн. сўм 2012 йилда эса 72105,0 млн.

сўмни ташкил этганлигини яъни капитал қўйилмалар ҳажми юқори суръатда ўсганлигини кўришимиз мумкин..

Чирчиқ шаҳрида 2012 йилда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 20551,5 млн.сўмга тенг бўлиб, шундан 11470,3 млн.сўми чорвачиликка қолган 9081,2 млн сўми дехқон хўжаликлари ҳисобига тўғри келади.

Шаҳарда савдо корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, янги мулкчилик шаклида фаолият кўрсатмоқда. Нодавлат мулки савдосининг салмоғи 100 фоизга етди. Чакана савдо товар айланмаси 220416 млн.сўмга етиб, аҳоли жон бошига 1505,5 минг сўмлик савдо хизматлари кўрсатилган.

2012 йилда шаҳар бўйича 4958 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Шундан:

- кичик тадбиркорлик соҳасида -1899 та
- уй меҳнатини барча шакиллари ривожлантириш сони - 729 та
- янги объектларни ишга тушуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш -1447 та
- ва бошқа соҳаларда -883 та

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтган жами кичик бизнес субъектлари сони 1435 та бўлиб, шундан фаолият юритаётганлари 1369 тадир.

Чирчиқ шаҳрининг 2012 йилдаги ташқи савдо айланмаси 264145,3 минг АҚШ долл.га тенг тенг бўлиб, шундан экспорт ҳажми 172385,2 минг доллар ва импорт 90785,3 минг долларни ташкил этди.

2.3. Реал сектор корхоналарида хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Реал сектор корхоналарининг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йуналтириладиган маблағларнинг етишмаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақазо этади. Чунки қўйилган капитал маблағидан самарали фойдаланиш натижасида кўпроқ фойда олиш мумкиндир.

Иқтисодий самарадорлик - инвестиция учун қўйилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий-иқтисодий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Реал сектор корхоналарида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.

Иқтисодий самара бу қўйилма ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = D - K$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$ -иқтисодий самара;

D - қўйилган капиталдан даромад;

K - қўйилган капитал суммаси.

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади:

$$\mathcal{E}_1 = \frac{Иф}{K}$$

бу ерда:

$\mathcal{E}_1$ - иқтисодий самарадорлик;

$Иф$ - инвестициядан фойда;

K - қўйилган капитал.

Мамалакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамалактда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакт миқёсида киритилган инвестици миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{ЯММ}{K}$$

бу ерда:

$\mathcal{E}$ - иқтисодий самарадорлик;

$ЯММ$ -ялпи миллий даромад;

K - ЯММни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт утиши билан капитал қайтими бўлган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт утган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини кўрсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узоқ муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг нормативлари деган тушунча мавжуд булиб, бу иқтисодиёт тармоқларида қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта

ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодиётда 6-8 йил деб қабул қилинган.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади;

$$ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100\%$$

бу ерда:

ЯИН- ялпи инвестиция нормаси;

ЯИС- ялпи инвестиция суммаси;

ЯММ- ялпи миллий даромад.

Инвестициявий лойиҳанинг (ИЛ) тижорат (молиявий) самарадорлиги— бу, ушбу ИЛ-ни юзага келтирувчи лойиҳани, унинг иштирокчилари мақсадлари ва манфаатларига мувофиқлигини акс эттирувчи категориядир.

Самарадорлик қуйидагича бўлиши мумкин:

- лойиҳанинг умумий самарадорлиги;
- лойиҳадаги иштирок самарадорлиги.

Лойиҳанинг умумий самарадорлиги иштирокчилар учун уларнинг манфаатдорлигини аниқлаш ва молиялаштириш манбаларини излаш мақсадида баҳоланади. Самарадорликнинг ушбу тури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги;
- лойиҳанинг тижорат самарадорлиги.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ИЛ амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий натижаларини ҳисобга олади.

Тижорат самарадорлиги кўрсаткичлари эса, ушбу лойиҳани амалга ошираётган иштирокчи учун молиявий натижаларни ҳисобга олади. Бунда ушбу иштирокчи лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган барча харажатларни кўтариши ва лойиҳа натижаларидан тўла фойдаланиши кўзда тутилади.

Умуман олганда, лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари техник, технологик ва ташкилий лойиҳа қарорларини иқтисодий нуқтаи- назардан тавсифлайди.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги ИЛ-ни амалга оширилиши ва барча иштирокчилар манфаатдорлигини аниқлаш мақсадида аниқланади.

Лойиҳадаги иштирок самарадорлиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхонанинг лойиҳадаги иштироки самарадорлиги (иштирокчи-корхоналар учун ИЛ самарадорлиги);

- корхона акцияларига инвестициялар қўйиш самарадорлиги (иштирокчи-акциядорлик корхоналар акциядорлари учун ИЛ самарадорлиги);

- иқтисодиётнинг айрим тармоқлари, молия-саноат гуруҳлари, уюшмалар ва холдинг тузилмалари учун – тармоқ самарадорлиги;

- ИЛ-нинг бюджет самарадорлиги (барча даражадаги бюджетлар харажат ва даромадлари нуқтаи-назарида, лойиҳада давлат иштироки самарадорлиги).

ИЛ самарадорлигини баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда умуман лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу босқичнинг мақсади – лойиҳавий қарорларнинг умумлаштирилган тарзда иқтисодий баҳолаш ва инвестор излаш учун зарур бўлган қулай шароитларни яратишдир. Локал лойиҳаларга нисбатан фақатгина уларнинг тижорат самарадорлиги баҳоланади, ва у қулай бўлган тақдирдагина, баҳолашнинг иккинчи босқичига ўтиш тавсия қилинади.

Баҳолашнинг иккинчи босқичи, молиялаштириш схемаси ишлаб чиқилгандан кейингина амалга оширилади. Ушбу босқичда иштирокчилар таркиби, уларнинг ҳар бирини молиявий иштироки ва самарадорлиги аниқланади.¹⁹

Соф дисконтланган даромад (СДД) ва даромадлиликнинг ички меъёри (ДИМ)ни ҳисоблаш учун инвестициялардан олинadиган даромадни билиш

¹⁹ Четыркин Е.М. Методы финансовых и коммерческих расчётов. - М.: 1999.

лозим. Бу даромадни топиш учун эса, маҳсулот (хизмат) нарҳини ёки бошқача қилиб айтганда инвестициявий қўйилмалар натижаларининг қиймат баҳосини билиш лозим. Бундан келиб чиққан ҳолда, натижанинг қиймат баҳоси бўлмаган тақдирда, СДД ва ДИМ кўрсаткичлари ёрдамида лойиҳанинг абсолют самарадорлигини аниқлаб бўлмайди, деган хулосага келиш мумкин. Аммо, масала бундай қўйилганда ҳам, СДД ва ДИМ кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин. Гап шундаки, бунда икки хил вариант кўриб чиқилади: биринчи (лойиҳа) ва иккинчи (ноллик муқобил) вариантлар. Бундай ёндашувда даромад объектни эксплуатация қилиш харажатларини тежаш билан алмаштирилади, ноллик вариант бўйича инвестициявий қўйилмалар эса, нолга тенглаштирилади. Ноллик вариант бўйича қўйилмалар ҳақиқатдан ҳам нолга тенг бўлгандагина бундай ёндашув тўғри бўлади. Ноллик вариантдаги масала ечимини кўриб чиқайлик. Таққослама самарадорлик кўрсаткичидан фойдаланамиз:

$$C_T = \frac{T_1 - T_2}{K_2 - K_1}$$

бу ерда: T_1 ва T_2 – таққосланаётган вариантлар бўйича йиллик маҳсулот таннархи.

$K_1=0$ экан, унда таққослама самарадорлик кўрсаткичи E_c абсолют самарадорлик кўрсаткичига айланади ва уни рентабеллик (R) орқали белгилаш мумкин, яъни:

$$R = \frac{X_1 - T_2}{K_2}$$

Ҳақиқатдан ҳам, $K_1=0$ бўлса биринчи вариант бўйича амортизация ҳам нолга тенг, T_1 эса, X_1 га тенг бўлади ($T_1=X_1$). (X-харажатлар).

Шундай қилиб, $(X_1 - T_2)$ йиллик тежашга олиб келаётган K (K_2 , $K_1=0$ да) капитал қўйилмалари амалга оширилмоқда. Капитал қўйилмалар самаралими ёки йўқми деган саволга қуйидаги кўрсаткич ёрдамида жавоб бериш мумкин:

$$X_1 - T_2 > CK \text{ ёки } X_1 - T_2 - CK > 0$$

Ҳақиқатдан ҳам, агарда рентабеллик катталигини C билан таққосланса, унда K_2 самарадорлигининг шартин бўлиб $R = \frac{(X_1 - T_2)}{K_2} > E$ хизмат қилади.

Агарда объектнинг хизмат муддати (T) даги жорий харажатлар тежамини ҳисобга олсак, унда лойиҳа самарадорлиги қуйидаги тенгсизлик билан аниқланади: $\frac{(1+C)^T - 1}{(1+C)^T \cdot C} \cdot (X_1 - X_2) - K > 0$

Объект хизмат кўрсатиш муддатидаги СДД:

$$CDD^T = \frac{(1+C)^T - 1}{(1+C)^T \cdot C} \cdot (X_1 - X_2) - K$$

Капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш учун ўртача йиллик соф даромад (аннуитет) дан ҳам фойдаланиш мумкин. Аннуитет йиллик тежам катталигидан кичик бўлмаса, капитал қўйилмалар варианти самарали ҳисобланади.

$$(X_1 - X_2) - K > K \frac{C(1+C)^T}{(1+E)^T - 1}$$

Лойиҳа самарадорлиги даражасини эса, ДИМ кўрсаткичи ёрдамида аниқлаш мумкин. $CDD^T=0$ даги даромадлилик – бу ДИМдир.

Пул оқими унсурларининг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши муносабати билан уларни ўзаро таққослаш муаммоси туғилади. Чунки, ҳар хил вақтда олинган бир хил пул суммаларини тенг қийматли деб бўлмайди. Бизнеснинг “олтин” қондасига мувофиқ: бугунги пуллар эртага олинадиган пуллардан қимматлироқдир.

Молиявий таҳлилларда вақт омилини ҳисобга олишга бўлган турли ёндашувлар қўлланилади. Энг тарқалган услуб бу келажакдаги неъматлардан ҳозиргиси афзаллироқ эканлигининг нисбий даражасини акс эттирувчи ва таққословчи функция услубидир. Амалиётда, кўп ҳолларда ушбу мақсад билан мураккаб фоизлар кўринишидаги функция қўлланилади. Бундай ёндашувда пулларнинг жорий ва келажакдаги қийматлари мураккаб фоиз формуласи билан ўзаро боғланган:

$$S_n = S_0 - (1 + r)^n$$

бу ерда:

S_n - пул маблағларининг жорий суммаси;

S_0 - n та бир хил вақт оралиқларидан кейинги пул маблағлари суммаси (пулларнинг қўшилган суммаси);

r - бир вақт оралиғидаги даромадлилик ставкаси (фоиз ставкаси).

Бунинг маъноси шундаки, агарда r йиллик даромадлилик ставкасига эга бўлган ишга S_0 сўм пул қўйилса, унда n -йилдан сўнг биз S_n сўм пулга эгалик қилишимиз мумкин бўлади. Ва аксинча, жорий вақтга келтирилган, S_n келажакдаги пул суммасининг реал қиймати, қуйидаги формула бўйича баҳоланади:

$$S_0 = S_n \cdot dm_n$$

бу ерда:

dm_n - дисконт кўпайтирувчиси;

r - ставкаси бўйича, n - даврига тегишли бўлган дисконт кўпайтирувчи қуйидагитарздаан иқланади:

$$dm_n = 1/(1+r)^n$$

Демак, келажакдаги даромадларни жорий вақт даврига олиб келиш жараёни дисконтлаш дейилади, яъни, бугунги олинган бир сўм, бир йилдан сўнг олинадиган бир сўмдан янада юқорироқ баҳоланишини акс эттиради. Бунинг сабаби фақатгина инфляция эмас, балки даромадларни кўпайтиришнинг турли имкониятлари мавжудлиги ва улардан воз кечиш келажакдаги муайян пул суммасини йўқотиш билан тенгдир. Дисконт меъёрини танлаш инвестициявий таҳлилнинг мураккаб муаммосидир. Бозор иқтисодиёти шароитларида дисконт меъёри биринчи навбатда корхона пул ресурсларини ишлатиш бўйича алтернатив инвестициявий имкониятларни акс эттириши лозим.

Дисконтлаш операцияси инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда кенг қўлланилади, чунки у вақтнинг турли давларига тегишли даромад ва харажатларни таққослаш имконини беради.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган чет эллик ташкилотлар ваколатхоналарининг бизнесга техникавий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Масалан, немис иқтисодиёти ваколатхонасида замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналар ишлаб чиқарадиган фирмалар реквизитлари бўйича ахборотлар олиш мумкин. Бундан ташқари, катта экспертлар жамияти маркетинг соҳаси, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш менежменти бўйича немис мутахассисларининг бепул маслаҳатларини ташкил этади. GTZ, ICE, TIKA, JICA ва ҳоказолардаги худди шунга ўхшаш мутахассисларнинг молиявий ва ташкилий ёрдамларидан фойдаланган ҳолда чет элда экспорт маҳсулотини реклама қилиш ва олға силжитиш бўйича кўргазмалар, шунингдек ўқув семинарлари ташкил этиш мумкин.

Ҳозир Ўзбекистонда молия бозори етарлича ривожланмаганлиги сабабли, лойиҳавий молиялаш кўпчилик ҳолларда банк кредитлаши шаклида амалга оширилмоқда. Бунда жаҳонда кенг ёйилган бошқа усуллар - қимматли қоғозлар чиқариш (ўз капиталли), инвестиция фондлари, банк

консорциумлари, нафақа жамғармалари, лизинг компаниялари ва бошқалардан етарлича фойдаланилмаяпти. Қатор афзалликларга, шу жумладан, солиқ соҳасида имтиёзларга эга бўлган лизинг инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг кенг тарқалган усулларида биридир, лекин у ҳали етарлича ривожлангани йўқ. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаш корхоналарнинг, айниқса, кичик бизнес корхоналарининг ўз маблағлари етишмаслиги, шунингдек тижорат банклари берадиган кредитнинг нархи амалда барча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги унинг молиявий самарасидан юқориқ эканлиги туфайли муаммолар пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда инвестиция лойиҳаси қарз маблағлари қайтарилишининг ўртача муддати 5-8 йилдир. Экспортга йўналтирилган лойиҳалар устувор деб топилганлиги сабабли, лойиҳаларнинг катта қисми рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имконини берадиган замонавий юқори унумли технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун асосан тижорат банкларининг кредитлари жалб этилмоқда. Бунда ускунанинг пировард қиймати ускунанинг ҳисоблаб чиқилган нархи (етказиб бериш ва монтаж қилишни ҳам ҳисобга олган ҳолда), кредит линиялари экспорт суғурта мукофотининг қиймати, кредит учун тўланадиган фоизлар, маҳсулот етказиб берувчи фирмалар хизматларининг қиймати, инвестиция давридаги фоизлар ва банк комиссиялари, шунингдек ускуналарни суғурталаш қийматидан таркиб топади.

Лойиҳани баҳолашда ушбу лойиҳани таклиф этувчи компаниянинг молиявий-иқтисодий таҳлили зарурий компонент бўлади. Компаниянинг лаёқати ва барқарорлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина лойиҳанинг ўзини таҳлил қилиш ва унинг молиялаш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлади.

Инвестиция киритиш асосида келажакда фойда олиш кўзда тутилади. Бунинг учун албатта, пухта ўйлаб иш тутиш лозим. Дастлаб инвестиция киритиш лойиҳаси тузиб олиниши шарт. Ҳар қандай лойиҳа тузиш асосида

албатта, бир қанча фикрлар мажмуаси, назарий ёки амалий тадқиқотлар асосида малакали конструкторларни янги маҳсулот ва технологияларни яратишга ундайди. Бундай фикрларни албатта, мутахассислар, олимлар ва малакали ишчи хизматчилар билдиришади. Фикрлар маркетинг тадқиқотларида унумли самара бериши мумкин. Шулардан реал фикрларга кўпроқ эътибор бериш лозимки, бу фикрлар қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги;
- фойданинг ўсиш даражаси;
- маҳсулот ҳажмининг ортиши;
- маҳсулотни бошқа бозорларга чиқиш имконияти;
- маҳсулотни туриб қолишини камайтириши;
- фойдаланилаётган капиталнинг самарадорлиги;
- фирма имиджининг ўсиши.

Бундан кўринадикки, ҳар қандай фирма ёки корхонанинг самарадорлигини юқоридаги факторлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Ҳар қандай лойиҳалар маълум бир муддатга тузилиб, вақт ўтиши билан ўз самарасини йўқотади. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда яна бир доимий асосий ўринда турадиган вақтлилиқ омили мавжуддир. Бу омил инвестиция жараёнининг локомотиви бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи боб бўйича қисқача хулосалар

Статистик рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, 2012 йилда иқтисодийтимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Этиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Минтақалар иқтисодийтини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлашга кўмаклашади;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва техник қайта қуrollанади;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналар барпо этилади.

Иқтисодийнинг реал секторига инвестицияларни амалга ошириш орқали қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самараларга эришилади:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдор ва сифат жиҳатдан ўсмоқда;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортишига ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади; жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳияти ўсади.

Чирчиқ шаҳри 1935 йил 27 апрелда ташкил этилган бўлиб, Тошкент вилоятининг жанубий – ғарбий қисмида жойлашган. Шимолий шарқда Бўстонлик тумани билан, жануби-ғарбда Қибрай тумани билан, жанубда Юқоричирчиқ тумани билан чегарадош. Умумий ер майдони 34 минг кв км., шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 324 га.

Чирчиқ шаҳрида бугунги кунда 300 та саноат корхоналари мавжуд бўлиб, шу жумладан 11 та йирик ва 289 та кичик бизнес саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналар томонидан 2012 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми 683959 млн.сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116 фоизни ташкил этди.

Чирчиқ шаҳрида йилдан-йилга саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда, худди шу кўрсаткични халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кўришимиз мумкин, агар 2009 йилда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 55957,7 млн. сўмни ташкил қилган бўлса 2012 йилга келиб эса 141669 млн. сўмни ташкил қилган.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 99,3 фоизи нодавлат мулк шаклидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келди. Қолган 0,7 фоизи “Чирчиқ Авиация таъмирлаш” шўъба корхонаси ҳисобига тўғри келади. Шаҳарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда 141670 млн. сўм бўлиб, шундан ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 46 фоизи кичик бизнес субъектлари корхоналари ҳисобига тўғри келади.

Реал сектор корхоналарида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради.


III БОБ.РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

3.1.Реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегияси.

Республикамызда хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли билан автомобилсозлик, электроника ва радиэлектроника соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган реал сектор корхоналарини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ёрдамида ривожлантиришда маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш жуда муҳимдир.

Машҳур маркетинглог Ф. Котлер корхонанинг бозордаги улушидан келиб чиққан ҳолда уни янада ривожлантириш стратегиясини 4 та турга ажратиб кўрсатади: лидер; “курашга чақирувчи”; “Лидер орқасидан борувчи” ва мутахассис стратегиялари (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. Ф. Котлернинг Корхонанинг бозордаги улушидан келиб чиққан ҳолда уни янада ривожлантириш стратегияси.²⁰

²⁰ Ф. Котлер, К. Л. Келлер, Маркетинг менеджмент, 12-е издание, перевод на русский язык ООО Издательство «Питер», 2012, 816 с.

Одатда лидер бу асосий бозорни ривожлантиришга катта ҳисса қўшувчи фирмадир. Лидернинг жавобгарлигини аниқловчи энг табиий стратегия бўлиб, янги истеъмолчиларни эгаллашга, мавжуд товарларни қўллашда янги ташвиқотга ёки товарларни бир марта истеъмолини ўстиришга йўналтирилган глобал талабни кенгайтириш стратегияси бўлиб ҳисобланади.

Мудофаа стратегияси - бу бозор лидерининг стратегияси бўлиб, у орқали корхона бозорда рақобат курашида қўлга киритган ютуқларини, позицияларини (масалан, бозорда катта улушни сақлаб қолиш, маҳсулот маркасини обрўсини кўтариш, товар ҳаракати каналларини устидан назоратни сақлаб қолиш)га интилади. Мудофаа стратегияси - бу бозор сардори томонидан ўзининг бизнесини рақобатчилар тажовуздан доимо ҳимоя қилиш мақсадида танланадиган стратегиядир. Мудофаа стратегиясининг қуйидаги турлари мавжуддир: позицияли мудофаа, қанот мудофааси, мудофаа қайта ҳужумга ўтиш йўли билан, мобиль мудофаа ва қисилиб келаётган мудофаа.

Ҳужум стратегиясини қўллаш натижасида фирма бозорда ўз улушини оширишга ҳаракат қилади. Бундан мақсад тажриба самарасини кенг ишлатиш ҳисобига рентабелликни оширишдан иборатдир.

Демаркетинг стратегияси эса бозор лидерининг тўртинчи стратегияси бўлиб, лидер фирма монополизмда айбланишдан қочиш учун бозордаги ўз улушини қисқартиришни кўриб чиқиши мумкин. Унга эришиш йўлларини биттаси кўрсатилаётган ҳизматларни, реклама ва талабни рағбатлантириш мақсадида қисқартириш, айрим сегментларда нархни ошириш ҳисобига талаб даражасини пасайтириш мақсадида демаркетинг тамойилларини қўллаш ҳисобланади.

“Курашга чақирувчи” стратегиясининг мақсади - лидер ўрнини эгаллашдир. Бу ерда 2 та муаммо муҳим ҳисобланади:

1. Лидерга ҳужум қилиш учун вазиятни танлаш.
2. Унинг имкониятларини ва ҳимоясини баҳолаш.

Вазиятни танлашда фронт бўйича ҳужум ёки қанот ҳужуми муқобиллари ҳисобга олинади.

Ҳужум стратегияси - бу рақобат стратегияси бўлиб, у бозор даъвогари томонидан сотув бозорларини эгаллаш курашида қўлланилади.

Фронт бўйича ҳужум - бу рақобатчи корхонанинг кучсиз томонларидан кура кучли томонларидан устун келиш бўйича фаол ҳаракатлар орқали унинг позициясига (маҳсулотлар, реклама, нархлар ва бошқалар бўйича) ҳужум қилиш тушунилади. Уни амалга ошириш учун корхона рақобатчига нисбатан кўп ресурсларга эга бўлиши ҳамда узоқ муддатли “жанг ҳаракатлари”ни олиб бориш қобилиятига эга бўлиши керак.

Қанот ҳужуми - бу рақобатчилар фаолиятини кучсиз жойларига йўналтирилган бўлиб, бу жойларда устунликка эришиш учун асосий кучлар ташланади; у шунга асосланганки рақобатчи кўпинча ўз ресурсларининг энг кучли позицияларини сақлаб қолиш учун йўналтиради, масалан сифати бўйича сардорлик (лидерлик) позициясини сақлаб туриши мумкин, айтилиши вақтда эса ўз фаолиятида кучсиз жойларга эга бўлиши мумкин, масалан воситачилар билан ишлашга унча аҳамит беришмайди. Ушбу стратегия бозор даъвогари рақобатчига нисбатан кам ресурсларга эга бўлса яхши натижа бериши мумкин. У кўпинча рақобатчиларга қарши кутилмаганда ишлатилади.

Ўраб олиш орқали ҳужум - бу рақобатчинини барча позицияларга бирданига ҳужум қилиниб, уни бир вақтнинг ўзида ҳамма йўналишдар бўйича муқоффа олиб боришга мажбур этади; бу эса бозор даъвогари жуда катта ресурсларга эга бўлганда қўлланилади ҳамда қисқа вақт ичида рақобатчинини бозордаги позициясини емирилишига имконият яратади. У Қуйидаги вариантларида амалга ошириши мумкин, яъни маҳсулот модификацияси (турлари) сонини анча кўпайтириб, рақобатчи ҳаракат қилаётган барча бозорларда ўз маҳсулотини сотиши.

Четлаб ўтиш ҳужуми - бу тўғридаг-тўғри бўлмаган ҳужум тури бўлиб, кўпинча қуйидаги йўналишлардан бирида амалга оширилади: ушбу корхона

учун мутлақо янги бўлган маҳсулот турини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, янги географик бозорларни ўзлаштириш, технологияда янги босқични ўзлаштириш, бозор даъвогари учун дастлаб энг “енгил” бозорларда амалга оширилиб, у ерларда устунликка эришилгандан сўнг эса, рақобатчининг асосий фаолияти соҳаларида ҳужум уюштирилади.

Партизан ҳужуми - бу рақобатчини тушкунликка тушуриш мақсадида, ҳар замонда унча катта бўлмаган ҳужумларни уюштириб, унда ўзига нисбатан ишончсизлик туйғусини ривожлантиришдир (нархларни ҳар замонда пасайтириш ва маҳсулотни жаддал суръатлар билан силжитиш, оқибатда эса рақобатчини ўзи учун зарарли бўлган қарши ҳаракатларни қилишга мажбур этиш ва ҳ.к.лар). Бундай стратегияни кўпинча унча катта бўлмаган чекланган ресурсларга эга фирмалар, анча йирик бўлган рақобатчиларга нисбатан қўллайдилар. Бироқ тез-тез амалага ошириладиган партизан ҳужумлари- бу катта ҳаражатларга олиб келадиган тадбирлар, унинг устига рақобатчилар устидан ғалаба қозониш учун, унга бошқа турдаги ҳужум ҳаракатлари билан қўллаб-қувватлаб туриш керак.

“Лидер орқасидан борувчи” - бу бозорда улуши унча катта бўлмаган рақобатчидир. Ушбу ҳулқ-атвор кўпроқ олигаполия ҳолатидаги ўринларга эга бўлиб, унда дифференциация имкониятлари кам, ҳар бир рақобатчи барча фирмаларга зарар келтириши мумкин бўлган курашдан қочади.

Мутахассис стратегиясида мутахассис бутун бозор билан эмас, балки бир ёки бир неча сегмент билан қизикади. Унинг мақсади катта дарёда кичик балиқ бўлиш эмас, балки кичик дарёда йирик балиқ бўлишдан иборат. Бу рақобатчилик стратегияси асосий стратегиялардан бири бўлган концентрация стратегиясига мос келади. Мутахассис эътибор бераётган чуқурча рентабеллик бўлиши учун у бешта шартни қондириши лозим:

1. Етарли потенциал фойдага эга бўлиши керак.
2. Потенциал ўсишга эга бўлиши.
3. Рақобатчилар учун кам жалб этувчи бўлиши керак.
4. Фирманинг махсус имкониятларига мос келиши керак

5. Киришни барқарор тўсиқларига эга бўлиши керак.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган реал сектор корхоналарига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда корхонанинг бозордаги мавқеъидан ва бозор сегментидан келиб чиқиб қарор қабул қилиш керак. СП ОАО “Чирчиқ Максам”, СП “Трансформатор заводи”, ИП “Дайшен мегатекс”, ИП “LUKBO” каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўз соҳалари бўйича маҳаллий бозорда “Лидер” ҳисобланади ва бу корхоналар учун “Лидер стратегияси” ни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Агар реал ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотларини хорижий бозорларга экспорт қиладиган бўлса, бозор сегменти жуда катта ҳажмга ва кўплаб рақобатчиларга эга бўлганда “Курашга чақирувчи” стратегиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган кичик бизнес корхоналари учун эса “Лидер орқасидан боровчи” стратегияси ва “Мутахассис стратегияси”ни тавсия этамиз, чунки бу корхоналарнинг бозор сегментидаги улуши кам бўлгани ҳолда улар доимо ўз фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиш мумкин. Булар, ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат:

- яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш;
- бошқарувнинг янги усуллари ўзлаштириш;
- замонавий ва энг қулай тартибга эришиш;
- маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш;
- хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш;
- ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш;
- ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича:

- жаҳон бозорига чиқиш;
- соғлом ва самарали рақобат муҳити;
- сиёсий кескинликнинг юмшаши;
- маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат:

- мамлакатда замонавий иш юритиш усулларида фойдаланиш имконияти;
- мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш;
- технологиялар трансферти;
- ишлаб чиқаришни кенгайтириш.²¹

Корхоналарнинг инвестицион фаолиятни ривожлантириш истиқболлари инвестицион дастур доирасида ҳамда алоҳида илмий асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. У иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигида инвестицияларнинг бекиёс ўрни тутишини ўз вақтида тўғри англаб етганлигининг натижасида инвестицияларга, хусусан, чет эл инвестицияларига бўлган эътиборнинг кучайиши юз бердики, бу эса бугунги кунга келиб мамлакатимиздаги инвестиция фаолиятининг ривожлантирилишига олиб келди. Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилишини ҳукуматимизнинг юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим.

²¹ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 89-90-б.



3.1.2-расм. Ўзбекистонда инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш стратегияси. ²²

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- **биринчидан,** хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;
- **иккинчидан,** импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёридаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

²² Д.Ғоziбеков, Э.Носиров. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. -Т.: "ЎҚИСОД-МОЛИЯ". 2007, 92 б.

- **учинчидан,** кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- **тўртинчидан,** корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Хорижий инвестициялар капитални қулайроқ қилиб жойлаштириш ҳамда у эгасига қайтиб келгунга қадар нисбатан узоқ муддат давомида ундан фойда куриш мақсадида экспорт қилувчи мамлакатларнинг капитал қабул қилувчи мамлакатлар реал ва молиявий активларига қуйилишини билбиргани ҳолда, бир иқтисодиётдан икинчисига утаётган капитал оқимини кўрсатади. Хорижий инвестицияларнинг кескин фарқи уларнинг давлатлараро кучиши, фақат ўз мақсадларини кўзлаши, амал қилиш шарт-шароитларининг ўзгариши, анча қулай шартлар билан қуйилиши ҳисобланади.

«Чет эл инвестициялари туғрисида»га қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар бошқа ҳар қандай ширкатларлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жал этиш бўйича қабул қилинадиган ҳар қандай стратегик қарорлар инвестиция

лойиҳаларининг умумий амалга ошиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги мезонларга асосланади:

1. Ижтимоий-иқтисодий муҳитга тааллуқли лойиҳанинг асосий (корпоратив) мақсади билан ривожлантириш мақсадлари ўртасида ҳозирги ва кейинги давр мобайнида қандайдир бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилик мавжудми?

2. Лойиҳанинг мақсадига эришиш учун таклиф қилинган лойиҳа ва маркетинг стратегиялари қанчалик муҳимлиги, нима учун таклиф қилинган стратегия танланди, муқобил стратегиялар ҳам эътиборга олинганми?

3. Лойиҳанинг таркиби, яъни лойиҳа андозаси маркетинг концепцияси, шунингдек корхона танлаган жойлашиш жойи қанчалик лойиҳа стратегиясига ва талаб қилинган ресурсларнинг мавжудлигига мос келади?

4. Лойиҳа иқтисодий ресурсларни самарали ишлата оладими, лойиҳа учун талаб қилинадиган асосий ресурсларни ишлатишнинг энг яхши вариантлари борми?

5. Лойиҳалаштирилаётган барча инвестицион ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари ишончлилик даражасидами ва мувофиқ келадиган чегарага эгами?

6. Лойиҳа ҳаётийлигининг ҳар қандай даврида тўланадиган молиявий мажбуриятларни бажариш учун миллий ва хорижий валюта билан етарлича таъминланган — барча инвестиция харажатлари капиталнинг мавжудлиги билан аниқланувчи молиявий чегараларда ётадими?

7. Жамғарилган ҳар йиллик ва дисконтлаштирилган фойда горизонт режалаштиришга лойиҳа таркиби ва маълумотларни баҳолашдаги хатоларга, инфляцияга, нархларнинг нисбий ўзгаришига, шунингдек ишга алоқадор муҳитнинг ўзгаришига (рақобатчилар, истеъмолчилар, бозор, мол етказиб берувчилар ва жамоат сиёсати) қанчалик сезгир, реал пул кирим-чиқимлари ва тегишли соф фойда таркиби инвесторлар ва молиячиларнинг кўзлаган мақсадлари минимал талабларига мос келадими?

8. Рисклар мавжуд шароитда уларни назорат қилиш ёки бошқариш учун қандай стратегия амал қилади?

9. Рискларнинг молиявий натижалари қандай, яъни улар ўзи билан бирга инвестицион, маркетинг, ишлаб чиқариш ва молиявий харажатларга қўшимча харажатлар олиб келадими ёки йукми, ё бўлмаса, кутилаётган ишлаб чиқариш, сотиш ҳажмини, сотиш нархларини пасайтирадими?

Инвестиция фаолияти субъектлари инвестициялаш ҳақида қарорлар қабул қилаётганда лойиҳаларнинг рисклилигини, манбаларнинг жорий қийматини, муқобил имкониятларга кўра лойиҳанинг жозибадорлигини эътиборга олиши лозим. У бундай қарорга рискнинг мақбул даражасида кутилаётган даромадлиликнинг таҳлили асосида келади.

Инвестициялаш тўғрисида стратегик маркетингқарорларини қабул қилиш учун ўрганилаётган маълумотлар мажмуаси қуйидагилардан ташкил топган бўлиши лозим:

- лойиҳа мақсадлари, унинг мўлжали, иқтисодий муҳит;
- маркетинг маълумотлари (сотиш, рақобат муҳити, сотиш дастури ва нарх сиёсати);
- моддий харажатлар;
- меҳнат, об-ҳаво, ижтимоий ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг жойлашув жойи;
- қурилиш ишлари тўғрисида маълумот;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш;
- кадрлар масаласи;
- лойиҳани ташкил қилиш жадвали;
- лойиҳани амалга ошириш даври бўйича молиялаштириш ҳажми;
- лойиҳа самарадорлигини баҳолаш.

3.2. Мамлакатимиз реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги муаммоларнинг ечимлари.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

Қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларидан бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 30 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 АҚШ доллариغا тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона низом жамғармасининг 150000 АҚШ долларида кам бўлмаслиги сифатсиз маҳсулотларининг олди - сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқца. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол -

мулклари бир қисмини ажратиб, шуъба корхоналар очиши мумкин. Бундай шуъба корхоналарга ҳам қўшма корхоналарга қўйилган талаблар белгиланган.

Икки ёки учдан ортиқ давлат ёки корхоналар ўз капиталларини жамлаган ҳолда халқаро ташкилотлар ташкил этиши мумкин.

Концессия шартномалари - бу табиий бойликларни, айрим фойдали казилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир.

Лизинг шартномаси эса чет эл инвестициялари иштирокида асбоб - ускуналарни, техника - технологияларни узоқ муддатга ижарага олиш. Тендерлар эса танлов асосида инвесторларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилишидир.

Эркин иқтисодий ҳудуд - бу маълум ҳудудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларга нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган ҳудуддир. Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодиёт ҳудудлар тўғрисида"ги Қонунида эркин иқтисодий ҳудудга қуйидагича таъриф берилган: "Эркин иқтисодий ҳудудлар - минтақани жадал ижтимоий — иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир". Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш жараёнида давлат қўллаб - қувватловчи, рағбатлантирувчи ҳамда назорат қилувчи сифатида бош ислохотчи бўлиши лозим. Давлатнинг бош иелохотчи сифатида қатнашиши хорижий тажрибасида аниқ намоён бўлади, масалан, Хитой ҳукумати 1 доллар чет эл инвеестицияларни жалб этиш учун 4 доллар ўз маблағларини сафарбар этган. Натижада, миллий ва асосан, хорижий инвесторлар ҳудудларга инвестициялар кирита бошлаган, бу эса ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривожуи учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Россияда яратилган эркин иқтисодий ҳудудларга Находка, Калининград вилояти, Санкт - Петербург шаҳари ва бошқалар кирази. Қозоғистондаги биринчи

эркин иқтисодий ҳудудлар 1991 йилда пайдо бўлган. Булар: Жезқозғон вилоятдаги Жайрен - Атасу, Қостанай вилоятдаги Лисаков ва Олмаота шаҳардаги "Отакент" эркин иқтисодий ҳудудларидир.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафақат, ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек, инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқиш зарурдир. Бунда, асосан, чет эл инвестициясини иқтисодиёт соҳалари бўйича мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва унда тармоқларни, асосан, 3 гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга бўлиб, инвестицияни устувор даражада реал секторга йўналтириб, сўнг қолган соҳаларни ривожлантиришга ҳамда иқтисодиёт ривожланиши ва заруриятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга ҳам жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ривожланган мамлакатлар халқаро капитал ҳаракатини, асосан, капитал экспорти-импортини миллий ва халқаро даражада рағбатлантириш орқали амалга оширадilar. Капиталнинг қарзлар, портфель инвестициялар ва бошқалар шаклида ҳаракат қилиши борасидаги давлат сиёсати унинг ҳаракатидаги барча чеклашларни олиб ташлаш мақсадида олиб борилади. Барча хорижий инвестицияларгарга нисбатан давлат ҳар қандай чеклашларни амалга ошириш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдиради, чунки бу миллий иқтисодий ҳавфсизлик билан боғлиқ. Шуниси ҳарактерлики, капитални четга чиқариш уни жалб қилишга нисбатан кам даражада тартибга солиниб турилади.

Давлат тартибга солишнинг қуйидаги усулларида фойдаланади:

- 1) молиявий: жадаллаштирилган амортизация; солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;
- 2) номолиявий: ер участкалари ажратиш; зарурий инфраструктура билан таъминлаш; техник ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши иқтисодий ўсишининг бир қатор макроиқтисодий омилларини кескин даражада кучайтирилишини тақозо этади. Бу соҳада рўй бераётган жараёнлар воқеаларнинг шиддатли алмашинуви билан изоҳланади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштиришда ҳал қилувчи ролни ишлаб чиқариш инвестициялари ўйнаши керак.

Фақат инвестициялар базасидагина асосий капитални янгилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сифатини яхшилаш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Бироқ, бу ҳозирги юксак даражада интеграциялашган хўжалик шароитида давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли объектив равишда анча салмоқли бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан инвестиция соҳасига давлатнинг фаол аралашувига яқин йиллар мобайнидаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қарамоқ даркор.

Бу эса стратегик мақсад - иқтисодий ўсишни таъминлаш учун амалга оширилмоғи, бу рақобатбардошлик ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мезонларига жавоб бериши лозим. Стратегик мақсадга эришиш макроиқтисодий режалаштириш асосида таъминланиши мумкинки, инвестиция жараёнларини давлат йўли билан макробошқариб туриш бундай режалаб туришнинг энг муҳим бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бозор муносабаталарига ўтишнинг Ўзбекистон томонидан танлаб олинган йўли узига хос алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, бунда ҳал қилувчи ролни давлат ўйнайди.

Мамлакат халқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирги босқичи иқтисодий ўсиш йўлига утиб олиш билан изоҳланади. Бундай ўсиш алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараққий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш сифатида маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим бўлади. Чет эл инвестицияларини

жалб этмай туриб, хозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини таъминлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов худди шу масалага эътиборни қаратди. “Бунинг учун уларни ривожлантиришнинг янги манбалари ҳам чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ҳисобига, ҳам ички манбалар, банк кредитлари ҳисобига доимо кашф этиб борилиши даркор”²³.

Инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, иқтисодий ўсишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти капитал мулкка мўлжалланаётган инвестициялар ҳажми тегишли молия активларининг даромадлилигига боғлиқ бўлади. Даромад меъёри орқали эса ана шу активларнинг баҳоси инвестицияларга бўлган талаб ва таклифга қараб белгиланади. Давлат пул ва кредит сиёсати орқали инвестицияга бўлган талаб ва таклифнинг нисбати ҳамда унинг таркибий тузилишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай экан, бу сиёсат турли молия активларидан олинадиган даромад ҳажмига ҳам катта таъсир этади. У инвестиция товарлари бозорида инвесторларнинг хатти-харакатининг бош йўналишини, шунга боғлиқ ҳолда инвестициялар таркибий тузилишини белгилайди.

Хорижий инвестициялар ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши учун катта аҳамиятга эга бўлсада шу билан бирга уларнинг самарадорлиги жиддий муаммолар билан боғлиқ.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қарор топишидаги қисқа давр ичида инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизи яратилди. Бу қонун ҳужжатларида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг кенг ҳуқуқий

²³ И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 198-бет.

кафолатлари ва имтиёзлари тизим ўз аксини топди. Хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш мақсадларида қўшимча имтиёзлар берилиши назарда тутилган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Республиканинг экспорт потенциалини кенгайтириш ва валюта билан ўз харажатларини ўзи қоплаш, маҳсулотлар ва экспорт товарлари рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шароитлар яратиб бериш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан бир қатор қўшимча имтиёзлар, кафолатлар жорий этилди. Хорижий инвестицияларни жалб этишни янада рағбатлантириш, республиканинг ҳар бир минтақасида экспортга мўлжалланган қўшма корхоналар ташкил қилиш йўлида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинмоқда ва амалга оширилмоқда.

Хорижий инвестициялар, бир томондан, бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, фойдаланиш, уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, юқоридагилар билан бирга жуда кўп қўшимча рисклар билан боғлиқлиги аниқдир. Халқаро инвестиция муносабатлари йўлга қўйилиши учун ўз инвестицияларини қўйиши мумкин бўлган айрим мамлакатлар, корпорациялар, молия ва кредит институтлари, якка инвесторларнинг манфаатлари билан ҳисоблашиш зарур. Хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатда инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси - уларнинг мақбул нисбатларини мувофиқлаштириш, ҳаммасига тенг ҳуқуқий шарт-шароитлар ва ҳаётда амалга ошириш учун кафолатлар яратиб беришдан иборат. Бунда, бизнинг назаримизда, ҳар бир ҳолда хорижий инвестицияларни якка тартибда қабул қилиш, кафолатлар ва солиққа тортиш шартларини келишиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш, биринчи навбатда, барча ҳужалик юритиш босқичларида жамғармалар ўсиши суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунга, фикримизча, иқтисодиётдаги ҳўжалик

юритувчи субъектлардан, хорижий инвесторлардан ундириладиган солиқларнинг тартибга солувчанлик амал қилишини кучайтириш орқали таъминлаш мумкин. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади. Фикримизча, хорижий инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан озод қилиш мақсадга мувофиқдир. Хар бир аниқ шароитда имтизли солиққа тортиш режимини ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш фойдалидир.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал илмларни эгаллаш, солиқларнинг тартибловчи ролини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилиши лозим. Бунда асосий вазифа - чет эллик ҳамкорларга капитал қўйишда энг самарали йўналишларни таклиф этишдан, ўзаро манфаатлар соҳаларини белгилашдан, инвесторларга кафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Реал сектор корхоналарига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтиришга қулай шароитлар яратишда, уларнинг фаолиятини мамлакатлараро айирбошланишидан, қўшимча аниқ ва ноаниқ рискларга дуч келиш эҳтимолларидан ва капитал оқимининг вақтли концепциясидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш керак. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жами қўшимча рисклар орасида валюта рисклар ажралиб туради. Ҳукумат кафолати билан олинадиган кредитлар ва қарзлар ролининг ошиб бораётганлиги инвестиция муҳитини ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида кескин чора-тадбирлар кўрилишини таъқозо этадики, унга иқтисодиётнинг устувор секторларида солиқ кредитларидан кенг фойдаланишга ўтиш билан эришиш мумкин.

Хорижий инвестицияларни мамлакатимизга киритилишини амалдаги асосий шартларини халқаро шартномалар тамойилларига мувофиқ ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим, айрим мамлакатлар ва алоҳида инвесторлар учун имтиёзлар ва рағбатларни устуворликлар ва ҳал қилинадиган вазифаларга қараб белгилаш талаб қилинади.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида, фикримизча, иқтисодиётнинг катта меҳнат талаб секторларида хорижий инвестицияларни жойлаштиришни рағбатлантириш, солиқ имтиёзларини белгилаш ва савдо божларини пасайтириш зарур. Бу секторларга инвестицияларни жойлаштириш, айти пайтда, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳам ҳал этишга қўмаклашади. Бевосита чет эл инвестициялари ҳисобига янги лойиҳаларни инвестициялашда устуворлик давлат секторидаги илмталаб ва капиталталаб тармоқларга берилиши керак. Мамлакатимизга чет эл капиталини кенг миқёсда жалб қилишни ссуда капитали ва қарзлар шаклида эмас, балки бевосита ёки тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари шаклида амалга ошириш лозим. бундай шаклда жалб қилинган чет эл инвестициялари эса иқтисодиётни қарз ва фоиз тўловларидан озод қилади, шунингдек уларни жалб қилиш эвазига ноу-хау, замонавий технолгия, ускуна-жиҳозлар, қўшимча солиқ, ижара ва бошқа тўловларни таъминлайди.

Бюджет ҳисобидан инвестициялашни молиялаштиришдан аввал унинг лойиҳаларини танловига эътибор бериш ва молиялаштирилаётган лойиҳалар ҳаётий ва экспортбоп лойиҳа бўлишлари лозим. Албатта экспортбоп лойиҳалар эса ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга урғу беришни ифодалайди.

Иқтисодиётларнинг глобаллашуви шароитида инвестиция фаолиятини тартибга солиш инвестиция капиталини бизнинг мамлакатимизга экспорт қиладиган мамлакатларнинг амалдаги қонунларини, инвестиция муҳитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш талаб этилади. Ўз-ўзидан маълумки, ўз капиталини бизнинг иқтисодиётииз билан боғлашга қарор қилган хорижий

инвесторларнинг салоҳияти, қўшимча рискларини ҳар томонлама баҳолаш талаб этилади.

Бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан туриб республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш вазифаларини ҳал этиш анча мушкул. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда турли манбаларнинг ўзаро нисбатлари ўз моҳиятига кўра инвестициялар қийматини сақлаш ва капиталлаштиришдаги тегишли рисклар мажмуини тавсифлайди. Шу нуқтаи назардан молиялаштириш манбаларида хорижий инвестицияларнинг ролини ошириш боғланадиган ресурслардан самарали фойдаланишнинг ўзига хос кафолати ҳисобланади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, инвесторларни ахборот билан таъминловчи ягона тизим барпо этиш билан боғлиқ, ишларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларни амалга ошириш механизмлари янада такомиллаштирилиши анча катта аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар қандай бораётгани ва унинг йўналишлари, жамиятимиз тараққиётининг макроиқтисодий кўрсаткичлари, қонун ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек йуриқнома ҳамда ахборот — билдирув тусидаги материаллар тўғрисида тўлиқ ва оперативроқ маълумотларга муҳтож бўлиб турибдилар.


Шу муносабат билан республикада ҳисоб юритиш ва ҳисобот тизими самарадорлиги оширилиши зарурлигига эътиборни қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Статистика ҳисоботлари кечикиши, кўп ҳолларда эса эълон қилинмаслиги натижасида маълумотларни таккослашнинг иложи йўқ. Бу эса, хорижий инвесторлар қарор қабулқилишига жиддий тўсиқ, бўлмоқда.

Инфляция, кредит йўқотиш ва бошқа таваккалчиликлардан ташқари халқаро кредит муносабатларининг кенгайиши валюта таваккалчилигини ҳосил қилади. Валюта таваккалчилиги қоидадагидек капитал айланмаси ҳамкор мамлакатлардан бирига тушади барчасидан ташқари халқаро кредит

муносабатлари асосида иқтисодий ва ҳуқуқий шартлардаги фарқлар қарздор мамлакатга нисбатан кредит бўйича эътирозларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келади. Капитал импорт қилувчи мамлакатда қонунчиликнинг амал қилиши ва унинг мамлакат таваккалчилигини ҳисобга олтиш муҳимлигини тақозо этади.

3.3. Реал сектор корхоналарига хорижий тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Улар қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган.



3.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар²⁴.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция

²⁴ Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т., Абдилакимов Г.А. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б.

сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Республикамизда хорижий инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди, Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган, корхона жамғармасида хорижий инвестиция маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ имтиёзлари белгиланган.

Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини (жумладан, имтиёзларни бериш) амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини юритиш;

- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солиқ кодекси чет эл

сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради. Сир эмаски, ўз маблағини бирор мамлакат иқтисодиётига киритмоқчи бўлган чет эллик сармоядор биринчи навбатда ўзи учун яратилган имтиёз ва енгилликларни билишни истайди. Шу ўринда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ чет эллик инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шунингдек чет эллик инвесторларнинг ва чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмаслигини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини бирор-бир чекловларсиз исталганча чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Бундан ташқари, хорижий инвесторлар Республика банкларида ҳеч бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин.

Хорижий инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Хорижий инвесторларга табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун концессиялар берилиши мумкин. Концессион шартномалар хорижий инвесторлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг вакил қилинган органлари ўртасида тузилади. Хорижий инвестициялари бўлган корхонадан чиқиш ёки бундай корхонанининг тугатилиш ҳолларида хорижий инвесторлар шу корхона мулкidan ўзининг ҳиссасини корхона мулки билан қийматига мутаносиб равишда пул ёки натура тариқасида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Хорижий инвестициялар иштирокида тузилган корхоналарнинг хўжалик ишларида ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида олиб борилиши лозим.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва хорижий инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади. Шундай қилиб, яратилган ҳуқуқий асослар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган инвестициясини ҳимоя қилади.

Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуrolланиш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни миллийлаштириш ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради. Хорижий инвестициялар фақат фавқулодда ҳолатларда, авария, эпидемия тарқалган вақтларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан реквизиция қилиниши мумкин. Бу ҳолат инвесторга кўрсатилган зарар микдорида компенсация қиланади.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган микдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йил 25 фоиз қисмидан, иккинчи йил 50 фоиз қисмидан, учинчи йил 100 фоиз озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан 100 фоиз озод қилинади;

-мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

-ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоиз экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

-ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек ушбу ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналарни импорт қилишда божлардан озод қилинади.

Мазкур соҳа корхонаси чет эллик ҳамкорлар билан бирга очилса:

- нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;

- хорижий ҳамкорлар улуши капиталидан олинадиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидандан ташқари барча солиқлардан озод;

- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларини импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг ривожланиб бориши, фойда олишнинг турли йўллари амалга татбиқ этишга олиб келмоқда. Агарда аввал корхоналарда асосий даромад ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан иборат бўладиган бўлса, бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги шароитда инвестиция ва молиявий даромад олишга кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда инвестор олдида турган асосий мақсад оптимал инвестиция портфелини

шакллантириш бўлиб, унинг ушбу портфел таркибига кирувчига инвестиция қимматликларини, бошқача айтганда, инвестиция мулк объектларини қандай жойлаштириши ҳам муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда инвестор мулкни қайси фаолиятга йўналтирилиши ҳам муҳим масалалар қаторига киради. Жумладан, инвестор мулки таркибида бўлган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мулклар қўпроқ жалб қилинса, унинг оладиган даромади янада ошиши мумкин. Инвестиция фаолиятининг воситаси ҳисобланган мулк барча ижтимоий-иқтисодий шаклланишларда ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил этиб, уларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири қўшма корхоналар ҳисобланади. Қўшма корхоналар ташкил этиш корхона ва ташкилотларнинг чет эллик шериклар билан алоқасини юксалтиради, мамлакат ҳудудида хорижлик тадбиркорликларга кенг шароит яратади, мамлакат ҳудудига хорижий инвестицияларини жалб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири бу қўшма тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилишидир. Ҳозирги кунда хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистонни ўзлари учун қулай ва ишончли шерик деб ҳисоблайдилар, чунки республикада хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилди. Натижада уларда ўз сармояларини республикада жойлаштириш ва биз билан ҳамкорлик қилиш истаги ортиб бормоқда. Республикада яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари - республикадаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлигидир.

Қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришни жадаллаштиради ва халқаро доирада мавқеи ортишига олиб келади. Қўшма корхоналарнинг аҳамиятли томони олинган фойдани тақсимлаш, сарфни қоплаш, корхона фаолиятини доимий равишда

такомиллаштириб боришдадир. Чет эл инвестицияларини республикамиз иқтисодиётига жалб этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан, корхонанинг низом фондига таъсисчиларнинг ўз улуши бўйича иштирок этиши, корхоналарнинг мулки, акцияси ва бошқа турдаги қўғозларни сотиб олиши, маҳаллий фуқаролар билан биргаликда ёки мустақил равишда ерларни сотиб олиш кўринишларида кўпроқ жалб этилмоқда.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга эркин конвертация қилинадиган валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Юқори техник савиядаги тайёр маҳсулотлар улуши оширилиши қуйидаги жиҳатларга боғлиқ:

- хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспорт қилувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;

- юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши соҳа ва соҳа ичи тизими яхшиланишига хизмат қилади;

- экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техник-тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг

соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган илмий-техник ютуқларнинг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш;

- илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини берувчи шарт-шароит яратувчи инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

- инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул уйғунлашуви асосий йўллари белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасигача етказиш;

- ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижорат ва технология менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси, сиғими ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш.

Ривожланган мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, яъни фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига сармоя киритишга қизиқиши ортади. Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шунингдек, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида энг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан

бирига айланди. Бу, шубҳасиз, иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кучайтиради.



3.3.2-расм. Халқаро валюта фонди услубиётига кўра тўғридан-тўғри инвестицияларнинг таснифланиши.²⁵

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон мамлакатда инвестиция муҳитини янада

²⁵ Д.Ғозибеков, Э.Носиров. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвес-тицияларни жалб қилиш. Рисола. - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2007, 92 б.

яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Фармоннинг аҳамиятли томони шундаки, у хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган. Фармонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳар томонлама қулай, ортиқча ишчи кучига эга бўлган бир қатор вилоятларнинг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштирилишининг белгиланиши мамлакатимизда бандлик масалаларини ижобий ҳал этишга қаратилган. Ҳуқуқий кафолатларнинг аниқ ва оддийлиги сармоядорларнинг инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилишини тезлаштириш билан бирга, уларга мавжуд хатарларни ҳам баҳолаш имкониятини яратади. Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўз навбатида, республика минтақаларидаги бой минерал-хом ашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, тоза атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналар ривожига хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳудудларида бугунги кунда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этиш ва чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ташкил этилишини айрим вилоятлар мисолда кўриш мумкин. Юртимизнинг аҳолиси кўп бўлган вилоятлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар асосида хорижий инвестицияли корхоналар ташкил қилинган бўлиб, фармонда келтирилган имтиёزلардан фойдаланмоқдалар. Хусусан, Фармонда келтирилган шартлар асосида 10 та корхона даромад (фойда) солиғи, мол-

мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ва (ёки) ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Юнивер» қўшма корхонаси, «Тўрткўлтекс» қўшма корхонаси, Андижон вилоятида “ЖМ-Ўзбекистон”, «Олтинкўл Текстил» қўшма корхонаси, Наманган вилоятидаги «Мармар-Ф» қўшма корхонаси, Сирдарё вилоятидаги «Лола Модел» қўшма корхонаси, Сурхондарё вилоятидаги «Сурхонтекс» қўшма корхонаси ҳамда Хоразм вилоятидаги «Ургенч ёғ» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Шунингдек, Фарғона вилоятининг қишлоқ аҳоли пунктларида тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб қилиниб, янги қўшма корхоналар ташкил қилинган, масалан «Молочная Долина», «Unimobile» ва «Азия Паинтс Керамик» қўшма корхоналари Фармонда келтирилган имтиёزلардан фойдаланмоқдалар.

Мамлакатимизга бу тарзда сармоя оқиб келаётгани эса хорижий инвесторлар, яъни чет эллик шерикларимиз республикамызда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканининг яна бир тасдиғидир.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови тўлашдан тўлашдан озод қилинади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

- 1) 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;
- 2) 3 миллиондан АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

3) 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши мумкин:

- мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар- Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

- хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

- корхонанинг низом жамғармасида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;

- ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;

- хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

- мазкур имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхона янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

Имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил барвақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда фойдани ўз мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтаргандан кейин амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида хорижий инвесторлар учун белгиланган кафолатлар қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

- хорижий инвесторларга тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ миқдори (ставкалари) кўпайиши;

-хорижий инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни ўз мамлакатига қайтариш тартиботини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талаблар жорий этилиши, бунда давлат хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестор - жисмоний шахс содир этган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг қарорига мувофиқ даромад (фойда)ни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда хорижий инвестор маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шартлари асосида ўз мамлакатига қайтарилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

-инвестицияларнинг миқдори бўйича инвестициялаш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ҳамда бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда хорижий инвестицияларнинг минимал миқдорини кўпайтириш тарзидаги талаблар жорий этилиши;

-республика корхоналарининг низом жамғармаларида хорижий инвесторнинг улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

-хорижий инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасидаги қўшимча тартиботлар, шунингдек хорижий инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Радиоэлектроника саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

-тайёр ип газлама ва жун газламалар ишлаб чиқариш;

-тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

-терини қайта ишлаш; пойабзал, тайёр кўн-галантерея буюмлари ишлаб чиқариш.

3. Ипакчилик саноати:

-шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати:

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-358-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати:

-махаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати:

-гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариёғ ишлаб чиқариш.

8. Кимё-фармацевтика саноати:

-дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш;

-синтетик кир ювиш воситалари, маиший кимё товарлари ишлаб чиқариш.

Президентимизнинг мамлакат иқтисодиёти ривожига учун ўта муҳим бўлган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармони ишлаб чиқариш соҳаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб этиш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиш билан бир қаторда, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадамдир.

Учинчи боб бўйича қисқача хулосалар

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиш мумкин. Булар, ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат:

- яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш;
- бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш;
- замонавий ва энг қулай тартибга эришиш;
- маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш;
- хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш;
- ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш;
- ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича:

- жаҳон бозорига чиқиш;
- соғлом ва самарали рақобат муҳити;
- сиёсий кескинликнинг юмшаши;
- маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат:

- мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти;
 - мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш;
 - технологиялар трансферти;
- ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини (жумладан, имтиёзларни бериш) амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни қўзлаб сиёсат юритиш;

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга қўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини юритиш;

- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

- Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуролланиш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга эркин конвертация қилинадиган валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишини ёзиш давомида қуйидаги хулосаларга келдик. Фикримизча Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегияларини амалга ошириш жараёнида кўплаб омиллар ҳисобга олиниши лозим.

Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолиятини стратегик бошқарувининг муҳим функцияси бу – ҳудуд инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бунда инвестиция фаолият йўлида узоқ муддатли мақсадларни шакллантириш тушунилади ва бунда энг самарали инвестицион фаолиятга эришиш кўзда тутилади.

Ҳудудларнинг инвестицион стратегиясини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, у ҳудуд инвестиция бозори конъюктурасини башоратлашга асосланади ва инвестиция фаолияти шартларини амалга оширади. Бу жараёни мураккаблиги шундаки, бу даврда ҳудуд инвестиция стратегияларни шакллантириш, инвестицион ресурсларни излаб топиш, муқобил инвестиция вариантларини баҳолаш билан бирга амалга оширилади ва у ҳудуд фирмаларининг имиджини оширади ва уни ривожланиши белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай инвестицион стратегия тезда ўзгармайди, у ушбу ҳудуддаги фирмаларнинг иқтисодий ўсишининг янги имкониятлари ва ташқи шартларини инобатга олган ҳолда даврий тартибга солишларни талаб этади.

Ҳудудда инвестицион стратегияни шакллантириш шарт-шароитлари корхона ва фирмаларнинг иқтисодий ривожланишининг стратегик асоси бўлиб хизмат қилади. Бундан кўриниб турибдики, ҳудуд инвестиция стратегияси фирмаларнинг самарали ривожланишини таъминлайдиган бош омил бўлиб ҳисобланади ва у инвестицияларни самарали бошқаришга асосланади.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган реал сектор корхоналарига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда корхонанинг бозордаги мавқеъидан ва бозор сегментидан келиб чиқиб қарор қабул қилиш керак. СП ОАО “Чирчиқ Максам”, СП “Трансформатор заводи”, ИП “Дайшен мегатекс”, ИП “LUKBO” каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўз соҳалари бўйича маҳаллий бозорда “Лидер” ҳисобланади ва бу корхоналар учун “Лидер стратегияси” ни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Агар реал ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулотларини хорижий бозорларга экспорт қиладиган бўлса, бозор сегменти жуда катта ҳажмга ва кўплаб рақобатчиларга эга бўлганда “Курашга чақирувчи” стратегиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чирчиқ шаҳрида жойлашган кичик бизнес корхоналари учун эса “Лидер орқасидан борувчи” стратегияси ва “Мутахассис стратегияси”ни тавсия этамиз, чунки бу корхоналарнинг бозор сегментидаги улуши кам бўлгани ҳолда улар доимо ўз фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар.

Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг стратегиясинини шакллантириш жараёни бирнеча босқичларни ўз ичига олади.

Бошланғич босқичда ҳудуд инвестиция стратегияси ишлаб чиқилади ва уни шакллантиришни умумий даври аниқланади. У инвестиция бозори ва иқтисодиёт ривожланишини олдиндан кўра олиш, унинг даврийлигини баҳолаш, корхона ва фирмаларнинг асосий стратегиясини шаклланиши учун ечимни қабул қилиш, уларнинг тармоқларини ўлчами каби шартлар билан боғлиқдир.

Инвестицион фаолиятни шакллантириш мақсади капиталнинг кўшимчаўсиш суръатларини таъминлашга, инвестицияларни даромадлилик даражасини ўсишига, молиявий инвестициялаш ва технологик ўзгаришларга, капитал қўйилмалар тузилишининг қайта ишлаб чиқилишига

ҳамда пировард натижада ҳудудда иқтисодий ўсишга, аҳолининг турмуш даражасининг ошишига эришилади.

Ҳудуддаги корхона ва фирмаларнинг инвестицион фаолияти стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш Чирчиқ шаҳрида жойлашган реал сектор корхоналаридаги барча мақсадлар тизимига асосланади. Бу жараёнда қуйидагилар ишлаб чиқилиши кўзда тутилади:

- истиқболли даврнинг алоҳида босқичларида турли инвестициялашшакллари;

- инвестицион фаолиятни тармоқ йўналишлари;

- инвестицион фаолиятни ҳудуд йўналишлари аниқланади.

Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарида хорижий инвестиция ресурсларини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш корхона ва фирмаларнинг нафақат инвестицион фаолиятининг унсури балки, энг муҳим молиявий стратегиясининг унсури ҳам ҳисобланади.

У белгиланган ҳажмдаги инвестиция фаолиятини узлуксиз равишда рағбатлантиришни таъминлайди ҳамда шахсий молиявий воситалардан энг самаралисидан фойдаланади ва узоқ муддатли даврда истиқболда ҳудуддаги корхона ва фирмаларнинг молиявий барқарорлигини оширади.

Чирчиқ шаҳридаги реал сектор корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегияларини ишлаб чиқишни баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ҳудуд фирмаларининг умумий стратегияси билан алоҳида фирманинг инвестиция стратегиясини мувофиқлаштириш. Бу жараёнда стратегияни амалга ошириш босқичлари, йўналишлари ҳамда мувофиқлик мақсадлари тадқиқ этилади;

- ҳудудда инвестиция стратегиясини ички мувозанатлашганлиги. Бужараёнда инвестицион фаолият йўналишлари ва алоҳида стратегик мақсадлар ўртасидаги боғланишлар аниқланади ва натижалари баҳоланади;

- инвестиция стратегияларини ташқи воситалар билан мувофиқлашганлиги. Бунда ҳудудда ишлаб чиқилган инвестицион стратегия билан мамлакатнинг инвестицион муҳитдаги ўзгаришлар мувофиқлиги баҳоланади, ҳамда инвестиция бозори конъюктураси башоратланади;

- ҳудуд инвестиция стратегияси ресурсларини салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш даражаси. Бу жараёнда аввало, фирмаларнинг хусусий манбалари ҳисобидан молиявий ресурсларни шакллантириш имконияти ва салоҳияти кўриб чиқилади. Келажакда ҳудуд инвестиция стратегияларини амалга ошириш имкониятлари молиявий, технологик, энергетик нуқтаи-назардан таҳлил этилади.

- инвестицион стратегияларни амалга оширишда уларни таваккалчилик даражаси билан мувофиқлашганлиги. Бу жараёнда ҳудуддаги асосий инвестицияни таваккал даражаси ва ушбу ҳудуд фирмаларининг молиявий имкониятларини баҳолаш кўриб чиқилади.

- ҳудуд инвестиция стратегияларини натижавийлиги. Инвестицион дастурларни натижавийлигини баҳолаш уларни иқтисодий самарадорлигини амалга ошириш билан баҳоланади. Бу баҳолаш жараёнида ташқи иқтисодий натижалар сифатида фирмалар имиджини ўсиши, ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшиланиши ва бошқалар таҳлил этилади.

Хулоса сифатида яна шуни таъкидлашимиз лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ҳудудларда инвестицияларни самарали бошқариш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Юқорида инвестицияларни бошқариш механизми назарий жиҳатдан кўриб чиқилди, буёса инвестицияларни бошқаришнинг мақсади ва асосий вазифаларини амалга оширишда муҳим ўринга эгадир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон учун янги тармоқларни қарор топтирган бир қанча йирик лойихалар амалга оширилди. Бироқ, узоқ муддатли истикболлар имкониятлари хали тугаганича йук. Иқтисодиётни

комплекс тарзда таркибан қайта қуришга қаратилган муҳим инвестиция дастурларини амалга ошириш давом этмоқда.

Бундай лойихаларнинг Ўзбекистон учун аҳамияти - импорт урнини босадиган ва жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган, юқори даражада қайта ишланадиган ва пировард истеъмолчига тайёр ҳолатга етказиб бериладиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини локаллаштиришга қодир бўлган амалда тайёр технологик занжирларни нисбатан қисқа вақт ичида барпо этишдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. «2009 - 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ–1072-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли қарори.
6. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли Қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

7. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

8. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2011 йил 22 январь.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сонли Қарори.

11. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 24 августъ.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида. 2009 йил 28 октябрь.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. //Солиқлар ва божхона хабарлари, 2003 йил 16 май.

14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2005 йил 11 апрель.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

17. “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 4 апрель.

IV. Асосий адабиётлар

18. Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., Нематов И.У., Набиев Д.Х., Каттаев Н.Т., Абдилакимов Г.А. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 166 б.

19. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.

20. Внешнеэкономическая деятельность: Учебник. /[Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: «Академия», 2007. - 304 с.

21. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов: Пер. с англ. - 4-е изд. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. - 1340 с.

22. Жалолов Ж.Ж. ва бошқалар. Бизнес маркетинги. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт, 2012 й.

23. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т: “Ўқитувчи”, 2010. - 239 б.

24. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2011.- 32 б.

25. Турбанов А., Тютюнник А. Банковское дело: Операции, технологии, управление / А. Турбанов, А. Тютюнник. – М.: Альбина Паблишерз, 2010. – 682 с.

26. Соловьев Б.А., Мешков А.А., Мусатов Б.В. Маркетинг: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 336 с.

27. Парамонова Т.Н. Маркетинг: учебное пособие / Т.Н. Парамонова, И.Н. Красюк; под ред. Т.Н. Парамоновой. – М.: КНОРУС, 2010. – 190 с.

28. Владиславлев Д.Н. Энциклопедия банковского маркетинга. – М.: Ось-89, 2009. – 256 с.

29. Паничкина Г.Г. Краткий курс по маркетинговым исследованиям: учеб. пособие / Г.Г. Паничкина. – М.: Издательство «Окей - книга», 2009. – 108 с. – (Скорая помощь студенту. Краткий курс.)

V. Қўшимча адабиётлар

30. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий қарорлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. – 2013й.

31. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш қарорлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 375 бет.

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув

қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмурадов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

VI. Даврий нашр, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

- 33. Халқ сўзи. Газета. 2012-2013 йй. сонлари
- 34. Правда Востока.Газета. 2012-2013 йй. сонлари
- 35. Экономическое обозрение. Журнал. 2012-2013 йй. Сонлари
- 36. Узбекистан в цифрах 2012. Статистический сборник. – Т.: Статистика, 2012.
- 37. ЎзР Давлат статистика маълумотлари. 2007-2013 йй.

VII. Интернет сайтлари

- 38. www.gov.uz
- 39. www.lex.uz
- 40. www.tseu.uz
- 41. www.bankir.uz
- 42. www.mfer.uz
- 43. www.review.uz
- 44. www.businesspress.ru

ИЛОВАЛАР

1-илова.

Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилдаги Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари²⁶


млн. сўм

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	<u>20721845</u>	<u>23679701</u>
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан,	911 834	1 431 777
	- Республика йўл жамғармаси	609800	680 796
	- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	139930	158 147
	- Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2012 йилдан Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси)	162104	545 836
	- Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси		46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан:	1 376 130	1 701 901
	қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)	171 750	301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан:	2 069 185	3 524 824
	АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари	196 289	222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3835109	4340656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604


²⁶Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари.

2-илова.


Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори,
млрд. сўм.



3-илова.



Ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, млрд. сўм.



Хорижий инвесторларнинг (енгил саноат бўйича)
Ўзбекистондаги улуши (2008-2012 йиллар).


**2012 йилда ишга туширилган 2013 йилда амалга оширилиши
кутилаётган йирик лойиҳалар²⁷**

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Умумий қиймати (млн. долл.)
2012 йилда яқунланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	"Шуртаннефтегаз» негизида пропан-бутан аралашмаси қурилмасини барпо этиш (5 навбати)	50,0 минг тонна	74,2
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	Навоий ИЭС негизида буғ-газ қурилмасини барпо этиш	478 МВт	529,78
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Навоий вилоятида техник кремнийни ишлаб чиқариш ниташкил қилиш (1 босқич)	12,0 минг тонна	19,04
“Ўзавтосаноат” АК			
4	Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарувчи янги комплексни барпо этиш (II босқич)	3,0 минг дона	29,38
2013 йилда яқунланиши мўлжалланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	Мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига Газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш	16 дан 25 МВтгача ошириш	261,13
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	«Тошкент ИЭС» ОАЖ негизида когенерацион буғ-газ технологиясини жорий этиш	27 МВт	62,99
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Дехқонобод калий ўғит заводида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (2 босқич)	200,0 минг тоннадан 600,0 минг тоннагача	254,8

²⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги. Худудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда ҳорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.

		ошириш	
“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК			
4	Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўллиниясини барпо этиш (1 босқич)	187 км	320,74

6-илова.



**Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида
ўсиш динамикаси, фоизда**
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари


7-илова.

**Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш
суръатлари, фоизда**

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2


Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

8-илова.



Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда

9-илова.



Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, миллиард доллар²⁸

10-илова.

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркиби, миллион доллар²⁹

Экспорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011 йилга нисбатан(фоизда)	натижага нисбатан(фоизда)
Жами:	13150,1	111,6	100
пахта толаси	1259,7	93,5	9,6
озик-овқат маҳсулотлари	878,4	44,1	6,7
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	764,8	91,2	5,8
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	4921,2	177,1	37,4
қора ва рангли металллар	1055,2	94,6	8,0
машина ва ускуналар	917,7	91,9	7,0
хизматлар	2314,2	130,6	17,6
бошқалар	1034,9	48,8	7,9

²⁸ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

²⁹ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

11-илова.**Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда³⁰**

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

12-илова.**2012 йил якунларига қўра, Ўзбекистон Республикасининг импорт таркиби, миллион доллар³¹**

Импорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011 йилга нисбатан (фоизда)	натигага нисбатан (фоизда)
Жами:	12026,5	109	100
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1187,5	119,4	9,9
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	1738,1	122,2	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	875	90,2	7,3
Қора ва рангли металллар	937,9	108,7	7,8
Машина ва ускуналар	5461,3	109,3	45,4
Хизматлар	730,3	130,1	6,1
Бошқалар	1096,4	88,9	9,1

³⁰ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

³¹ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/